12 ИЮН 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ЗУЛ-ҚАЪДА, 28-КУН. ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ ЖАВЗО, 22-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган 1991 йил 11 июнь, сешанба, 109-сон

НАРХИ обуначига 7 тийин. сотувда 10 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси олдидан

САЙЛОВЧИЛАРГА ТЎРТ САВОЛ

1. Сессия бўлишидан хабардормисиз?
2. Кун тартибидаги қайси масала, Сизнингча, энг муҳим?
3. Сессиядан нималар кутаяпсиз?
4. Қандай таклифларингиз бор?

Надежда КИМ,
Оқолтин районидаги «Шодлик» болалар боғчаси мудираси, район советининг депутати:

1. Сессия ўтказилишидан хабардорман.

2. «Суверен давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартнома лойиҳасининг муҳокамасини катта қизиқиш билан кутаяпман. Ноибларимиз қандай хулосага келишларини билмадим-у, аммо мен бу жиддий ҳужжатга ниҳоятда оғир-босиқлик, совуққонлик, ҳушёрлик билан муносабатда бўлишларини истардим.

3. Депутатларимиз аста-секинлик билан парламент мактабини ўтаяптилар. Фикрлар хилма-хиллиги сари бешинчи қадам қўйилса ажаб эмас.

4. Миллатим корейс бўлгани билан ўзбек тилини жуда яхши тушунаман. «Халқ сўзи» рўзномасида сессияларнинг стенографик ҳисоботи тўлиқ бериб борилса.

Бозорбой РЎЗИЕВ,
Беруний районидаги ўт ўчириш қисмининг ҳайдовчиси:

1. Матбуот хабарлари орқали билдим.

2. Сессия муҳокамасига киритилган ҳамма масалалар ҳам муҳим. Менимча энг долзарби — «Суверен давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси. Мустақиллик қоғозда эмас, амалда бўлиши керак. Ҳозир биз мустақилликни эълон қилиб қўйдик, лекин хориж билан алоқада қўлимиз боғлиқ. Иттифоқ шартномаси йўқлиги туфайли ички муносабатларимиз издан чиқиб кетди.

3. Ҳукумат нарх-навонинг ошиши халқ ҳисобидан бўлмайди, деб ваъда берганди, лекин амалда акси бўлиб чиқди. 160 сўм маошни бўйига ҳам, энига ҳам ҳар қанча чўзмайин, етмаяпти. «Қуруқ қошиқ оғиз йиртади» деганларидек, турмуш фаровонлигини ошириш, кундалик эҳтиёж моллари таъминотини яхшилаш, маошларни кўпайтириш сессиянинг диққатида бўлишини кутаяпман.

4. Савдода тартиб қолмади, чайқовчилик авж олиб кетди, пештахталар бўм-бўш. Истардимки, вазиятдан чиқиш учун мукаммал қонунлар қабул қилинса, кескин чоралар кўрилса.

Шуҳрат ТЕМИРОВ,
Қўшработ райони «Истиқбол сари» рўзномаси ходими:

1. Ҳа.

2. Хусусан мен учун оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳимдир, чунки мамлакатимизнинг барча минтақаларида аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифодалайдиган чин маънодаги кўп фикрликка асосланган матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Бизда эса бу борадаги қонуннинг йўқлиги матбуотга турлича муносабатларни келтириб чиқармоқда. Ҳурфикрлилик чекланган, матбуотни эскича бошқарув, маълум бир қолипларга солиш сезилиб турибди. Биздаги кўпгина нашрларнинг таъсирсизлиги, менимча, ана шунга бориб тақалаяпти.

3. Истардимки, бу қонун Иттифоқ қонунига нисбатан мантиқлироқ ва жонлироқ бўлса. Бинобарин, Иттифоқ қонунини жиловидан тортиб ҳар ёққа буриш мумкин. Унинг талабларини кучга киритиш механизми ҳам аниқ эмас. Чунончи, қонун бандларини рўёбга чиқарадиган куч-имкониятлар белгиланмаган. Мен ана шуларга тўқнаш келган киши сифатида айтишим кераккки, бу муҳим ҳужжатда учраши мумкин бўлган ҳар бир ноаниқлик журналистларни ҳафталаб, ойлаб маҳаллий ҳукумат эшикларида сарғайишга, талашиб-тортишишга мажбур этмоқда.

4. Республикамизда полиграфия саноати чуқур инқирозни бошидан кечирмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятидаги районлар рўзномалари офсет босмасида ишлатиладиган хом ашёларнинг етишмаслиги туфайли ойига уч марта босилаяпти, холос. Шу боис бу қонунни қабул қилиш баробарида уни амалга оширишнинг моддий имкониятларини яратиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Назирали МАМАЗИЁЕВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси:

1. Хабардорман.

2. «Виждон эркинлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси менимча муҳим, чунки барча кулфатларимизнинг илдизи бориб эътиқодсизликка тақалади. Ахир виждонли, имони бутун кишининг ўғирлик ва қаллоблик қилиши, пора олиши, жиноят кўчасига киришини тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Инсон партияга эътиқод қиладими, ёҳуд дин арконларини садоқат билан бажарадими, барибир, ўзлигини унутмаса, жамият ва давлат манфаатларини поймол этишга интилмаса бўлгани, виждони эркинлигига дахл қилинмаслиги керак.

3. Сессияда халқимиз турмуш шароитини яхшилашга, бозор иқтисоди исканжаларидан камхарж ва кўп болали оилаларни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинса.

4. Тарихан аждодларимиз жума кунлари дам олиб, ибодат билан машғул бўлганлар. Динга қарашларимиз яхши томонга ўзгараётган ҳозирги шароитда жума кунлари ибодатга бораётган мўъминлар кўпайиб қолишди, яна бормоқчи бўлиб иш пайтида имкон тополмаётганлар қанча. Шуни ҳисобга олиб, «Виждон эркинлиги тўғрисида» қонун қабул қилинаётган чоғда дам олиш кунларини якшанбадан жума кунига кўчириш муҳокама этилса мақсадга мувофиқ ва кўпчиликнинг дилидаги иш бўларди.

Холиқ ХУРСАНДОВ,
Бойсун район «Бойсун» фольклор элшунослик ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

1. Сессиялар ўртасидаги муддатларнинг узоқлиги мени қониқтирмайди. Биз ҳуқуқий давлат асосларини эндигина барпо этмоқдамиз. Шундай бўлгандан сўнг парламент бетўхтов ишламоғи керак. Ана шундагина у кўплаб амалдор депутатлардан қутулар эди.

2. Ниҳоят, кун тартибига виждон эркинлиги масаласи киритилибди. Бу — яхши. Аммо у турли хил чеклаш ва таъқиқлардан иборат бўлиб қолмаса деб қўрқаман.

3. Сессиядан ҳеч нарса кутмайман. Чунки парламент ижтимоий ҳаётдан узоқлашиб кетган.

4. Ўзбекистонда мулкчилик масаласини зудлик билан бир ёқлик қилиш керак. Сессия чоғида айтилаётган сўзларнинг кўпидан бехабар қоляпмиз. «Халқ сўзи» сессия стенограммасини чоп этса яхши бўларди, чунки телевизорни кўришга ҳаммада ҳам имконият бўлавермайди.

Муҳиддин РАҲМАТҚУЛОВ,
халқ депутатлари Денов район Советининг котиби.

1. Ҳа.

2. Биринчи, иккинчи, бешинчи, олтинчилари.

3. Бу сессия ҳам ижтимоий ҳаётимизнинг демократлашуви сари бир қадам бўлишидан умидворман.

4. Таклифларим кўп. Эсимни таниганимдан бери таъминот масаласи бу қадар абгорлашмаган эди. Танқислик ҳадиқни кучайтирмоқда. Бу эса иш унумига, меҳнат маромига путур етказаяпти. Тайинли натижаларга эришиш учун аввало таъминотни барқарорлаштириш лозим. Сессияда таъминот интизоми ва жавобгарлиги масаласи кўрилишини жуда истардим. Яна савдо хизмати ҳаммани ранжитаяпти. Нархда қўним бўлмади. Бу эса халқни ғазаблантирмоқда.

ТЕКИН ЙЎЛКИРА ВА ИККИ СЎМЛИК НОНУШТА

Маҳкам АВДУЛЛАЖОНОВ,
Фуқаролар авиацияси Ўзбекистон бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси:

— Авиаторларимиз депутатларнинг Тошкентга ўз вақтида учиб келишларини таъминлаш, уларни кўнгилдагидек кутиб олиш учун қўлларидан келган ҳамма тайёргарлик ишларини пишиқ-пухта бажаришди.

— Халқ ноиблари махсус самолётларда (яъни рейсдан ташқари) учиб келишадими!

— Йўқ, рейс бўйича қатнайдиганларда.

— Улар чипта учун пул тўлашмайди-я!

— Ҳа, шундай.

— Фақат сессия пайтидами!

— Қонун бўйича СССР, Ўзбекистон ССР халқ ноибларига самолёт чипталари текинга берилади.

— Демак, улар «Аэропорт»нинг чўнтагини росаям қоқишар экан-да!

— Гап шундаки, бизга чипталарнинг пулини Олий Кенгаш тўлайди.

* * *

Абдусобит КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Президенти девони ишпар бошқармаси автохўжалигининг бош муҳандиси:

— Сессия пайтида иккита автобус (меҳмонхонадан анжуманга ва анжуман залидан меҳмонхонагача элтиш учун), ўндан ортиқ енгил машина халқ ноибларининг ихтиёрида бўлади.

Рустам Тўлаганов, Нўъмон Усмонов, Қобил Содиқов, Эргаш Аҳмедов, Баҳодир Рихсиев каби тажрибали ҳайдовчилар, диспетчерлар Людмила Мироненко, Ефросиния Панамарчук, Майя Репина, Диля Смирнова, слесарь Карим Абдувалиев ва бошқа юқори малакали мутахассислар хизматга ҳозиру нозир туришади.

— Бордию, бирор машина ишдан чиқиб қолса, уни созлашга қанча вақт кетади!

— Йигирма-ўттиз дақиқа. Энг оғир «жароҳат» егани эса узоғи билан ярим кунда созланади, гаражимиздаги механикларнинг ҳақиқатан ҳам қўллари гул.

* * *

Бахтиёр ҲУСАНБОЕВ,
«Тошкент» меҳмонхонасининг директори:

— Баҳоли қудрат тайёргарлик кўраяпмиз: қўноғимиздаги бор техника воситалари яна бир марта текширувдан ўтказилиб, носозларининг ҳолати яхшиланди. Хоналар, даҳлизу поллар обдон тозаланди.

— Янги гиламлар, поёндозлар ҳам тўшалгандир!

— Депутатлар кетишгач, ўрнига тағин эскиларини қўйиб қўясизлар, демоқчимисиз?

— Шундай.

— Биласизми, аслида уларнинг кўпини янгилаш лозим эди, парламент аъзоларига хушомадгўйлик нуқтаи назаридан эмас, балки аллақачоноқ эскириб тўзиб қолгани учун. Аммо минг афсуски, қўлимиз калталик қилаяпти — маблағимиз йўқ-да...

Шуниям таъкидламоқчиманки, бизда дазмол, телефон аппаратлари, чангютгичлар етишмайди. Бир қараганда, булар майда-чуйдадек туюлади. Аммо истайсизми, йўқми, улар меҳмонларнинг кўнглини хижил қилиши мумкин. Ўтган ҳафтада Олий Кенгашда сессияга тайёргарлик бўйича ўтказилган мажлислардан бирида ана шу масалалар ҳақидаям гапирувдик, балки ҳал бўлиб қолар...

— Депутатлар бир ўринли хоналарда яшашадими!

— Икки-уч ўринли. Чунки бизда бир ўринли жой олтитагина, холос.

* * *

Шуҳрат ТОЖИЕВ,
«Тошкент» ресторани директори:

— Парламент вакилларига комплекс нонушта (шовла, қаймоқ, қуймоқ, нон, чой) ва кечки овқат (котлет, чой, мева-чева) берилади. Ун беш нафар официант енг шимариб хизмат қилади. Нонушта икки, кечки овқат уч сўм атрофида бўлади.

Суҳбатларни Ж. АНВАР. олиб борди.

СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент аэропорти расмий делегациялар хонаси беналари Гули **АВИБУЛЛАЕВА** билан Дилорам **ХОЛМУҲАМЕДОВА** депутатларга пешвоз чиқишмоқда. 2. «Тошкент» ресторани ходимлари тараддуд кўришаяпти.

Еркин ВОТИР олган суратлар

ҚЎҒАЙЎЛМАСЛИКЛАР ФИКРИ

ЖОЙЛАРДА сайловчилар, маҳаллий советларнинг қуйи органлари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси кун тартибидаги масалаларни катта қизиқиш билан муҳокама этаётирлар. Худди шундай мусоҳаба Учқўрғон районидаги Қўғайўлмас қишлоқ советида ҳам бўлиб ўтди.

Тожибой ҒАНИЕВ,
қишлоқ совети раиси:

— «Суверен давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси ҳақидаги масала асосийдир. Сессияда мустақилликнинг узил-кесил бўлишига, ғирром аҳдномаларга чек қўйилишига, республикалар бир-бирининг ҳуқуқини ҳурмат қилишига эришиш зарур.

Биз ҳозиргача «Сен нимани барасану, мендан нима оласан», деб муҳокама қилиб келдик. Ваҳоланки, кун сайин турмуш оғирлашмоқда.

Бугун тўла маънодаги дўстликни, ҳамдардликни, қадриятларни нима қилиб бўлса ҳам тиклаш лозим. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Эргашали МЎМИНОВ,
участка инспектори, милиция капитани:

— Қонуннинг қатъий бўлиши ҳақида кўп гапирамиз, аммо очиқ айтиш кераккки, одамлар ўз уйларида хотиржам яшай олмай қолдилар. Ўқишга, ҳарбий хизматга, иш юзасидан бошқа жойларга кетган фарзандларнинг омон-эсон келишларига кафолат йўқ. Одамларнинг феъл-атвори, ёмон томонга жуда тез ўзгараяпти.

Автомототранспортдан фойдаланишнинг қониқарсизлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Одамлар машина ё мотоцикл оладилару рўйхатдан ўтказишни иккинчи даражали иш деб биладилар. Қолаверса, ҳали ҳам гувоҳномасиз юрадиганлар, ичиб рулга ўтирувчилар учраб турибди. Депутатлар мазкур масалани муҳокама этишда автомобиль назорати ходимларидан ташқари участка инспекторлари ҳуқуқини кенгайтириш ҳақида ҳам ўйласалар мамнун бўлардик.

Ғофуржон ҲОШИМОВ,
меҳнат фахрийси:

— Виждон эркинлиги ҳамма учун ҳар қандай даврда тўла кафолатланиши керак. Мен бир нарсани кузатдим: илгари 1 январь, 1 май, 9 май, 7 ноябрь ва бошқа байрамларда спиртли ичимлик ичилиши, жиноятчилик кўпайиши туфайли тонг саҳаргача фаоллар навбатчилик қилишарди-ю, барибир жиноят содир бўларди. Ўтган ҳайит байрамида фақатгина қишлоғимизда эмас, район ҳудудида ҳам бирор кўнгилсизлик рўй бермади.

Баҳодир ВОЛТАВОЕВ,
қишлоқ совети депутати:

— Мен кўпдан бери ўйланиб юрган умумий фикрни айтмоқчиман: сессияда депутатлар сўзамоллик қилмай, аниқ таклифлар билдирсалар яхши бўларди. Қолаверса, уларнинг мулоҳазалари бизга бир бутун шаклда етказилса, чунки ўзи шундоғам депутатлар сўзининг, қабул қилинаётган қонунларнинг таъсири яхши эмас. Одамлардаги ишончни қайтариш — энг муҳим иш. Сессия шуни унутмаслиги керак.

Жўрабой ТУРДИАЛИЕВ,
Наманган вилоят совети депутати:

— Оммавий ахборот воситалари ҳақидаги масалани ўта синчковлик билан муҳокама этиш зарур. Энди демократия, ошкораликка эришганда унинг қўл-оёғига кишан солмаслик керак, чунки одамларнинг фаоллигини оширишда матбуот кўп иш қилди. Айни вақтда улардаги ахборотлар изчил бўлса. Бири танқид қилган жой иккинчиси учун мақтов минбари бўлмасин. Биз, муштарийлар унинг саҳифаларида юз фоиз ҳақиқатни ўқишни истаймиз.

Суҳбатдош: Раҳимжон ТУРДИАЛИ ўғли.

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ ҚАЛАМКАШЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ:

АНДИЖОН. 2511-автокорхонага мукофотга берилган пулнинг 500 сўми Бўтақорадаги ногиронлар уйига ўтказилди. Меҳнат жамоасининг саховатпешалиги шу билангина ўлчанмайди. Илгари автокорхонада ишлаб, фахрий дам олишга чиққан ҳамкасбларни ҳам унутишмаяпти. 22 нафақахўр фахрийлар оиласига касаба уюшмаси фондидан ҳар ойда бир қопдан ун ва гуруч тарқатилмоқда. Корхонага бириктирилган 7 нафар 1-гуруҳ ногиронларига ҳам худди шундай саховат кўрсатилмоқда.

Умида ЙЎЛЧИЕВА:

БАРЧА вилоятлардан Андижонга келган шифокорлар даврининг дардли муаммоси —оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича фикр алмашдилар. Республика кенгаши иштирокчилари Андижон районидаги Янгиобод ва Орол қишлоқ-табобат амбулаторияларида, шифохоналарда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Маҳмуд МАРДИЕВ:

ҚИЗИЛТЕПА. Оқ олтин қишлоқ советидаги Ломоносов номли мактабда стипендия берила бошлади. Уни меҳнат фахрийси Саттор ота Жўмаев таъсис этди. Ота ҳар ойда ўз нафақасидан 20 сўм ажратади, бу пул мактабдаги аълочи ўқувчилардан бирига бериб борилади.

Пўлат ГАДОЕВ:

ҚАРШИ. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари Маъмура Холмуродова, Нодира Қўзиева, Наргиза Мусурмонова, Ботир Тошниёзов, Отабек Эргашевларга шаҳар комсомол комитети томонидан ҳар ойда 50 сўмдан стипендия тайинланди. Улар бунга аъло ўқишлари, намунали хулқлари туфайли сазовор бўлишди. Бундан буён ёшларни стипендияга махсус танлов ҳайъати таасис этади.

Ҳамро АБДУЛЛАЕВ:

НАВОИЙ. Карманадаги мактаб-интернат ва бир нечта кўчаларга байналмилал бурчини бажараётиб шаҳид бўлган Нуриддин Туробов, Шавкат Мардонов, Зокир Имомқулов, Олим Нуруллаев, Фахриддин Мардоновларнинг номлари берилди. Яна икки кўча эса уруш фахрийси, собиқ ўқитувчи Расул Мамажонов ҳамда партия ва совет ходими Абдулла Абдураҳмонов номлари билан юритила бошлади.

Раҳим КАРИМОВ:

ОЛОЙ. Қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларидан олойликлар ҳузурига меҳмонлар келишди. Икки тилда янграган куй ва қўшиқлар тоғларда акс-садо берди, ўзбеклар Тўқтағул шеърини, қирғизлар эса Навоий ғазалларини ўқидилар. Ўзбекистонликлар олиб келган совға-саломларини олойликларга бепул улашдилар. Гулча қишлоғида деҳқончилик маҳсулотлари, ҳунармандлар ясаган буюмлар, гиламлар савдоси уюштирилди.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ:

ЗАРБДОР. «Ленин йўли» давлат хўжалигида электр қувватн билан ишлайдиган тегирмон қурилди. 400 хонадон тегирмон учун 8 минг сўм тўплади. Улар тақчиллик пайтида қўл қовуштириб ўтиришни эп кўрмай, Ғаллаоролдан 40 тонна буғдой сотиб олдилар. Тегирмоннинг бетўхтов ишлаши учун хўжаликда 120 гектар ерга буғдой экиб қўйилган.

Зиё НУР:

ГУРЛАН. Район ижроқоми «Мамнун» деб номланган кичик корхонани очишга рухсат берди. У бир йилда аҳоли ва ташкилотлар буюртмаси билан 220 минг сўмлик қурилиш ишларини бажара олади.

Сессия арафасида: бугун ва эртага

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТУҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Узбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси эртага, 12 июнь куни соат 15.00 да Узбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залида очилади.

●

УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Узбекистон ССР халқ депутатлари 1991 йил 12 июнь куни соат 11.00 да Узбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залига овоз беришнинг автомат қурилмасидан фойдаланиш тартиби билан танишиш учун таклиф қилинадилар.

●

Узбекистон ССР халқ депутатлари бугун, 11 июнь куни эрта билан соат 9 дан то 18 га қадар Узбекистон ССР Президенти аппарати мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

●

УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Узбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши эртага, 12 июнь куни соат 13.00 да Узбекистон ССР Президенти аппаратининг кичик мажлислар залида бўлади.

ФРАНЦИЯ ЭЛЧИСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Узбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Узбекистонда меҳмон бўлиб турган Франция республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Бертран Дюфуркни 10 июнь куни қабул қилди.

И. А. Каримов билан Б. Дюфурк ўртасида суҳбат бўлиб ўтди, суҳбат чоғида Узбекистон ССР Президенти меҳмонга сўнгги вақтда Узбекистонда амалга оширилаётган катта ва муҳим ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

И. А. Каримов чет мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун республика салоҳияти имкониятлари ва қувватларига элчининг эътиборини қаратди.

Суҳбат чоғида ишбилармонларнинг Тошкентда бўладиган учрашуви тўғрисида гаплашилди, учрашувга 500 нафардан ортиқ хорижий ишбилармонлар ва вакиллар, шу жумладан Франциядан ишбилармонлар таклиф этилган. Икки халқ ўртасидаги азалий маданий алоқаларга, уларни янада ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор берилди.

Тошкентда Франция элчихонасининг ахборот марказини очиш тўғрисидаги таклиф диққатга сазовор эканлиги таъкидланди.

Элчи Бертран Дюфурк республика Президентига кўрсатган эътибори учун миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда Узбекистон ССР Президентлик кенгашининг аъзолари — Узбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, республика Ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, Франция томонидан — Франция республикасининг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Том Вокье қатнашдилар.

(УзТАГ).

Инсон, ҳаёт, иқтисодиёт

ЎЗИНГНИ «СЕН»ЛА, ЧОРВАНИ «СИЗ»ЛА

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ЧОРВАЧИЛИК БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ ТЎХТАСИН ҒАНИЕВНИНГ ЭЪТИҚОДИ ШУНДАЙ

ТАНИШИНГ: суҳбатдошимиз — Тўхтасин Ғаниев, 55 ёшда. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария бўлимини тугаллаган, дастлаб колхозда, сўнг районда мол доктори, кейин Тошкент вилоят партия комитетида бўлим мудири ўринбосари вазифасида, «Қорасув» давлат паррандачилик заводи, «Ўртасарой» совхози директори ва бошқа лавозимларда ишлаган. Яқинда у Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг чорвачилик бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди.

— Тўхтасин Валиевич, чорвадорлар, бирга хизмат қилган ҳамкасбларингиз, дўстларингиз сизни ўз ишининг билимдони, кўпни кўрган, тажрибали мутахассис, деб таърифлашади. Агар «сир» бўлмаса, нега узоқ йиллар давомида соҳангизни тарк этиб, бошқа ишлар билан машғул бўлдингиз!

— Мени анча ноқулай аҳволга солиб қўйдинглар. Сирасини айтганда, агар рўзномага суҳбат уюштираётган бўлсангиз, бирон йил кечиктирсак маъқулмиди?! Одамларга гап эмас, дастурхонга гўшт, сут, тухум керак. Қолаверса, булар иш бўлиб ўтган. Энди уни қўзғаш жоизмикин?!

— Бизнингча керак, мана, ҳақиқат қарор топди-ку. Ҳеч қандай шубҳаларга ўрин қолгани йўқ. Одамлар бор гапларни билиб қўйишса, яхши эмасми?!

— Ҳай, майли. Бу воқеа 1978 йилда содир бўлганди. Ўшанда мен Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўртасарой» давлат хўжалигида директор эдим. Юқори ташкилотлардаги раҳбарлар, устоз чорвадорлар, хўжаликдаги фахрийлар билан маслаҳатлашиб корхонани қолоқликдан олиб чиқиш йўлларини излай бошладик. Лекин айрим масалаларда районнинг «биринчиси» билан келишмай қолдим. Мен мутахассис сифатида ўз фикримни исботлашга ҳаракат қилардим бу унга ёқмасди. Одамлар орасида мени ўзбошимча, жиззаки деб гап тарқатди. У маҳалда совхоз директори лавозими Марказий Комитетда тасдиқланарди. Мени ишдан бўшатишни сўраб ана шу олий даргоҳга хат ёздилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи котиби Йўлдош Қурбонов хўжалигимизга келди. Кожжома кийиб, паррандачилик фабрикасини анча айланиб, ишларнинг боришини эринмай кўздан кечирди. Корхонадаги ишдан чиққан ускунаю жиҳозларни янгилаш ўз вақтида бошланганини маъқуллади, айни пайтда камчиликларни ҳам кўрсатиб берди. Уни йўқотиш йўлларини айтиб, руҳимни кўтарди. Уч-тўрт ой тинчроқ ишлаб юрдим. Лекин яна устимдан имзосиз хатлар тушиб, текшир-текшир бошланди. Ҳеч нарса чиқавермагач хўжаликнинг болалар боғчасидаги кичкинтойлар учун атаб экилган сабзавот ва картошка режага киритилмаган, деб бюрода муҳокама қилишди, партиявий жазо беришди. Ишдан кўнглим совий бошлади. Касалхонага тушдим. У ердан чиққач, ариза бериб бўшадим. Бошқа ерда меҳнат қилаётгандим, яна тинчимни бузишди.

Текшир-текшир авжига чиқди. Халқ назоратининг асоссиз маълумотларига биноан ишдан бўшатишди. Уч куни ўтгач, «Совет Ўзбекистони»да фельетон босилди. Уни мен билан бирон марта мулоқотда бўлмаган ходим ёзган эди. Агар учрашсак мен уни, у мени танимасдик ҳозир ҳам шундай.

— Фельетон муаллифидан ўша пайтда ранжигансиз, албатта. Лекин уни ҳам тушуниш керак. Чунки нуфузли идоралар, айниқса партия комиссияси, халқ назорати органлари томонидан тайёрланган материаллар қайта текширилмасди. Уларнинг айтгани — айтган, дегани — деган эди. Юқоридан тушган материалларни рўзномалар ҳеч ўзгартирмай босиб чиқаришаверарди.

— Эҳтимол. Бироқ мен ўзимни ҳар жиҳатдан мукаммал, нуқсонлардан холи одам демоқчи эмасман. Лекин тўқима жойлари, шахсга тегадиган гаплар кўп эди-да ўша мақолада. Шуниси алам қилган. Руҳан эзилганман. Уйдан телефон симлари узилган. Қариндош-уруғ, дўстлардан яшириниб юрганман. Фарзандларимнинг юзига қаролмай, баъзи-баъзида уйдан чиқиб кетардим. Дунё кўзимга тор, қоронғу бўлиб кўринарди. Яхшиямки садоқатли дўстлар бор дунёда. Юпатишди, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деб далда беришди. Бир куни чорвачилик соҳасининг билимдони, камтарин инсон Леонид Бутиков ўзи раҳбарлик қилаётган бошқармага бош мутахассис лавозимида ишлаш учун қўярда-қўймай олиб кетди. У менда чорвага бошқатдан меҳр уйғотди. Бу орада газетачилар билан дўстлашиб қолдим. «Қишлоқ ҳақиқати»даги ўртоқлар сиз мутахассис сифатида бизда қатнашиб туринг, деб баъзи-баъзида топшириқлар бера бошлашди. Иш юзасидан чорвадорлар орасида кўп бўлишимга тўғри келарди. Таҳририят топшириғини ўзим учун шараф деб билиб, бажонидил бажарардим.

— Ўтган ишга салавот, ҳар қалай, дардингизни айтиб, анча енгиллашиб олдингиз чоғи, бу ҳам керак. Энди асосий мақсадга кўчсак, ҳам чорвадор, ҳам жамоатчи мухбир сифатида республика чорвачилигининг аҳволини қисқача таҳлил қилиб берсангиз!

— Яқинда иш юзасидан Қашқадарё вилоятида бўлиб, 84 йиллик умрини тўласинча чўпонлик касбига бағишлаган косонлик Шоймардон ота Муҳаммадиев билан суҳбатлашиб қолдим. Бу табаррук инсон лўнда қилиб шундай дедилар: «Мен яйловда ўт ва сув танқислигидан, ётоғим совуқлигидан қўрқмайман, ёмон чўпондан, ўз йилимдан қўрқаман». Дамоқчиларни, қўй йили оғир келади. Чорвадорлар учун қўй доимо юриб туриши керак, ўшанда жағи қимирлаб ердан албатта бирор нарса топади ва ўлмай қолади.

Чорвачилик равнақини таъминлаш учун икки йўл, тўрт омил бор. Аввало омиллар ҳақида. Бу — мол туёғи, иссиқ хона, тўйимли озуқа ва етук ходим. Ана шу омиллар бўлган жойдагина бояги айтганим — икки йўл: интенсив ва экстенсив усулни қўлласак, маҳсулотнинг кўпайишига эришувимиз муқаррар. Мисол келтирай: 1970 йилда республикамиздаги барча колхоз, совхоз ва хўжаликлараро корхоналарда 6 миллион қўй-эчки бор эди. 1990 йилга келиб салкам 900 минг бош камайиб, 5,1 миллионтага тушиб қолди. Охирги бир йилда барча жамоа ва давлат хўжаликларида қорамол 65 минг бош қисқарди. Тўғри, йигирма йил мобайнида жамоат хўжаликларида қорамол, жумладан сигир, чўчқа ва паррандалар анча кўпайди. Улар асосан ўша пайтларда саноат асосида қурилиб ишга туширилган ва 80-йилларга келиб маҳсулот бера бошлаган, сут, гўшт, тухум етиштиришга ихтисослашган йирик комплекслар, паррандачилик фабрикалари ҳисобига бўлди. Бу интенсив йўл эди. Шуларнинг ҳисобига йигирма йил давомида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори икки баравар, давлатга топширилган ҳар қорамолнинг тирик вазни эса 35 фоиз ошди.

Аммо иккинчи йўлни бой бердик. Жамоа хўжаликларида моллар туёғини кўпайтиришга эътиборни сусайтирдик. Яхшиямки хонадонлардаги моллар шу даврда 76 фоиз ошди ва 2,9 миллионга, қўй ва эчкилар икки баравар кўпайиб, 3,8 миллионга, отлар 4,4 баравар ўсиб, 35,3 минг бошга етди. Агар фақат жамоат чорвачилигига кўз тикиб ўтирилганида тармоқда ҳозиргидан ҳам мураккаб аҳвол юз берган бўларди. Чунки етиштирилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши аҳолининг кўпайиш суръатидан орқада. Бунга сабаб шуки, чорвачилик маҳсулотлари билан озуқа етиштириш режалари ўртасида мутаносиблик йўқ. Бизда шу пайтгача ем-хашакни режалаштиришда қолдиқ туёқ эҳтиёжи ҳисобга олинди ва шунга қараб озуқа экинлари экилди. Эндиликда озуқа экинлари структурасини ем-хашак билан жамоа, давлат хўжалиги ва аҳоли шахсий хўжаликларидаги чорвани тўла таъминлаш даражасига келтириш керак. 1985 йилдан буён беда пичани, силос, ўт уни ва лавлаги тайёрлаш режалари сурункасига бажарилмаяпти. Бунинг устига озуқанинг сифати паст. Текширувлар хўжаликларда мавжуд озуқанинг 10 фоиздан кўпроғи учинчи классга мансублиги ёки умуман классга кирмаганлигини кўрсатди. Бу ўз навбатида, мол қонида витамин, оқсил ва бошқа моддаларнинг етишмаслигига, маҳсулотнинг кам олинишига, урғочи молларнинг қисир қолишига, нобудгарчиликка сабаб бўлади.

— У ҳолда бу йилги қишлов анча оғир ўтгандир!

— Нимасини айтасиз! Хўжаликларнинг ярмидан кўпида озуқа кўк ўтга етмасдан тугади. Наманган, Хоразмни мустасно қилганда ҳамма вилоятларда қишда маҳсулот олиш учун эмас, балки чорва туёғини амаллаб асраб қолиш пайида бўлинди. Бухоро вилоятида республиканинг учдан бир қисм қўй ва эчкилари боқилади. У ерда қиш жуда оғир ўтди. Буни ҳисобга олиб ҳукуматимиз шошилинч чоралар кўрди. Бошқа вилоятлар ризқини қийиб бўлса ҳам омухта ем ва кунжара ажратилиб, қўйлар омон сақлаб қолинди.

— Бу кўпларга сабоқ...

— Мен ҳам шундай бўлишини истардим. Буниси хўжалик раҳбарига боғлиқ. Яқинда Калинин районининг «Рассвет» совхозидаги ишларни ўрганаётиб унинг раҳбари, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Восил Содиқов билан мулоқотда бўлгач, қуйидагиларни билиб олдим. Бу ерда экин майдонларининг ҳар гектаридан 10 тоннадан озуқа бирлиги етиштириш билан бирга март ойининг бошидаёқ ишчан механизаторлардан махсус бригада тузилиб, ўриш, йиғиш, ортиш, ташиш агрегатлари тахт қилиб қўйилган. Хашак жамғарувчиларга моддий ёрдам уюштирилган. Шунинг учун ҳам улар ем-хашак тайёрлашга жуда эрта киришдилар. Қозоғистоннинг Калас яйловларига табиий пичан жамғариш учун барвақт жўнаб кетдилар.

Фарғоналиклар бу йил пахта ерларини қисқартириб, 5,1 минг гектар майдонга озуқа экинлари ва сабзавот экишди. Бу ташаббус маъқулланди. Ҳар бир вилоятга режадан ташқари қўшимча ер топиб, 4-5 минг гектар майдонга маккажўхори, лавлаги ва бошқа озуқабоп экинлар экиш тавсия этилди. Бу тадбир, ҳеч шубҳасиз, Президентимизнинг аҳоли чорвасини озуқа билан таъминлаш тўғрисидаги фармонини бажаришда қўл келади. Фармонга асосан 1991 йилда халққа 1.765 минг тонна хашак, 830 минг тонна ширали озуқа, 3,3 миллион тонна кўк ўт, 100 минг тонна ембоп дон сотилиши керак. Шундай қилмаса бўлмайди. Чунки бир йил ичида алоҳида қорамолнинг ўзи 460 минг бош кўпайди.

— Гап айланиб келиб яна кадрларга тақалди-да.

— Бўлмасам-чи, чорвага ҳар жиҳатдан меҳр ва ихлос, чорвадорга эътибор, унинг руҳини кўтариш зарур. Эсингизда бўлса, етмишинчи-саксонинчи йилларда Тошкент вилоятининг жамоа хўжаликларида ҳар бош сигирдан йилига ўртача 3,5 минг килограмм сут соғиб олинарди. Ҳозир эса 3 мингга тушиб қолди. 200 дан ортиқ хўжаликда ярим миллиондан ортиқ қўй бўларди. Энди эса уларни фақат бўрдоқи базаларида, бармоқ билан санарли хўжаликларда учратасиз. Ўша пайтда мен вилоят партия комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлардим. Чорвачиликнинг барқ уриб ривож топишида катта тажрибага эга, соҳанинг ўта билимдони, Салоҳиддин ака Асомовнинг хизматлари салмоқли бўлди. Бироқ ўша пайтда у киши вилоят ижроқоми раиси сифатида кимгадир ёқмади. Ишдан четлаштирдилар.

— Шу ерда бир нарсани ойдинлаштириб олсак. Мана, биз турғунлик даври, дедик. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик авж олган, дедик. Шу маънода ҳозирги кўрсаткичларни ўтган даврга таққослаш ўринлимикин! Эҳтимол, ўша пайтдаги қўшиб ёзишлардан энди бутунлай холи бўлаётганимиз, ҳақиқий натижаларни ёзаётганлигимиз, айтаётганлигимиз учун бугунги кўрсаткичлар бизга камроқ туюлаётгандир!

— Бу гапга бир жиҳатдан қўшилса бўлади. Лекин шуни унутмаслик керакки, ўша чорвадорлар — оддий сигирсоғару чўпон, молбоқару озуқакорлар худди ҳозирдагидек жонбозлик кўрсатиб, фидойилик билан меҳнат қилишган. Уларда нима айб? Қўшиб ёзишларни, ошириб кўрсатишларни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Бундай ишлар билан эса обрў олиш, юқорига яхши кўриниш, гап эшитмаслик учун айрим раҳбарлар шуғулланишган. Шунинг учун ҳақиқий чорвадорларнинг меҳнатларини, улар эришган кўрсаткичларни қайд этмасак, эслатиб ўтмасак, адолатдан эмас. Тарихни ўзгартириб бўлмайди, ундан сабоқ олмоқ, уқмоқ даркор. Мен шундай деб ўйлайман. Чорвачилик билан истиқболни кўра биладиган, ўз ишининг устаси бўлган одамлар шуғуллансалар, ривож бўлади. Ўша пайтларда республика идораларида ҳам чорвадорлар меҳнат қилишган. Қишлоқ хўжалиги вазирлигини қўяверинг, партия Марказий Комитетида марҳум Йўлдош Қурбонов бошлиқ уч киши, Вазирлар Кенгашида икки киши, Олий Кенгаш Раёсатида ҳам билимдон мутахассислар ишлардилар. Чорвачилик эса доимо назорат остида бўлган. Ҳозир-чи? Бошқасини қўяверинг, биз билан ишлайдиган ишчи орган — Вазирлар маҳкамасида бирорта ҳам чорвадор йўқ. Ахир республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 38 фоизини чорвачилик ташкил этади-ку! Буни ҳисобга олмоқ керак.

— Масъулиятли лавозимда ишни нимадан бошладингиз!

— Иложини топган куним чорвадорлар орасида бўлсам, биридан ўрганиб, иккинчисига ўргатиб, умумий ишимизда ўзгариш ясашга ҳисса қўшсам, дейман. Хорижда йилнинг ҳамма фаслида ҳам чорва маҳсулоти бир хилда олинади. Бизда эса қишда бошқа, ёзда бошқа. Бу тафовутни йўқотиш, молларни йил ўн икки ой бир хил аралашма, қуруқ, хушхўр, тўйимли озуқа билан боқиш режасини тузаяпмиз. Хоразмликлар техника ва ерни бир қўлга бериб, чорвадорларга қулай шароит яратишган. Уларнинг тажрибасини ўрганиб, ёйсак, деган ниятимиз бор. Сўнг Россиядаги илғор хўжаликлар тажрибаси билан танишмоқчиман.

Ҳозир шу соҳа адабиётларини кўздан кечиряпман. Яқинда «Красний водопад» қишлоғида — чорвачилик илмий тадқиқот институтида олимларнинг чорва молларини озиқлантириш соҳасида олиб бораётган ишлари билан танишиб, гапнинг очиғи, ранжидим. ВАСХНИЛ академиги Шавкат Акмалхонов билан аҳдлашиб олдик. Олим билан ҳамкорликда вилоятларда биттадан хўжаликда иш бошлаймиз. Ҳозир Тошкент вилояти чорвачилик раҳбарлари билан маслаҳатлашиб Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозни танладик. Албатта, республика бўйича бу ишни амалга оширишга кўп вақт кетади. Нима ҳам қилардик, бошқа илож йўқ. Акс ҳолда маҳсулотни кўпайтириб бўлмайди.

— Модомики, ҳамма саъй-ҳаракатлар чорвани ўнглаб олишга қаратилаётган экан, ўтмишдаги айрим яхши анъаналар тикланса чакки бўлмасди.

— Жуда тўғри, айтасиз. Эсимда: бир вақтлар чўпонлар, сигирсоғарлар, бузоқбоқарлар, отбоқарлар, паррандабоқару асаларичиларнинг алоҳида-алоҳида йиғинлари ўтказилар, илғорлар номи қайд қилиниб мукофотланар, қолоқ ҳам, илғор ҳам ўз ишларидан гапириб берарди. Санъаткорлар маданий хизмат кўрсатишарди. Бундан ҳар ким ўзича хулоса чиқарар, қолоқлар уялишар, чорвани тузатиш чоралари кўриларди. Яхши томонга ўзгариш бўларди. Шахмат ибораси билан айтганда, пиёда ҳам фарзинга чиқишга интиларди. Слёт минбарларида тошкентлик Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — чўпон Номозбой Шўйбеков, сигирсоғарлар Мунаввар Исоқова, Анастасия Чудная ва бошқаларни кўрардим. Бундай қаҳрамонлар бошқа вилоятларда ҳам бўлиб, улар ўз тажрибаларидан ҳикоя қилиб берардилар. Слётлар, учрашувлардаги ўзаро тажриба алмашишларнинг самараси катта эди.

— Боя сиз саксонинчи йилларда йирик чорвачилик комплекслари қурилиб, ишга туширилгани маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини берганлигини айтдингиз. У маҳалда бундай қурилишлар чиндан ҳам зарур бўлган ва фойда келтирганди. Эндиликда эса...

— Гапингизга тушундим. Энди катта-катта комплексларга миллионлаб сарфлаб, жиҳозлари билан қуриш шарт эмас. Ҳозиргача қурилганларидан тўлиқ фойдаланиш, тўла қувват билан ишлатиш, тўлдириш керак. Лойиҳачиларимиз ҳам чорвадорлар орасига кириб, ҳаётдан ўрганишсин. Масалан, республикада машҳур Каттақўрғон саноатлашган бўрдоқичилик комплекси лойиҳачилар иштирокисиз, ўз кучлари билан қурилган. Ҳамон муваффақиятли ишлаб турибди. Чорвадорларимизнинг фикри шуки, темир-бетондан тикланган комплекслар аксарият ҳолларда молларнинг соғлиғига, демакки, маҳсулдорлигига салбий таъсир қилади. Маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, кичик-кичик, бежирим, арзонга тушадиган фермалар қуриш керак. Бу жиҳатдан фарғоналиклардан ўрганса арзийди. Улар пахсадан ферма биноларини қурмоқдалар ва яхшигина натижаларга эришмоқдалар.

— Гўшт манбаларини қандай тўлдириш мумкин!

— Бунинг учун мавжуд қувватлардан самарали ва оқилона фойдаланиш керак. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида янги ташкил топган гўшт ва сут саноати ишлаб чиқариш бошқармасига ҳар томонлама кўмаклашиш лозим. Саноат корхоналарига чорва озуқаси етиштириш учун суғориладиган ер ажратиш зарур. Улар давлатдан бериладиган емга кўз тикиб ўтиравермасинлар. Қолаверса, мол туёғини жамоа хўжаликларида жорий беш йилликда лоақал 1985 йил даражасида тиклаш, унинг сонини кам деганда юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 60 бошга, жумладан сигирни 25 бошга етказиш лозим. Бултур аввалги йилдагига қараганда бузоқ кам олинди. Кўп сигирлар қисир қолди. Аниқроғи, ҳар юзтаси ҳисобига 21 тадан бузоқ кам олинди. Урғочи моллар қанақа бўлишидан қатъий назар, ҳозирча уларни кушхоналарга юборишни таъқиқлаб, яхши парваришлаб, лоақал бир марта насл олишни йўлга қўйиш муҳим. Жорий йилда туғилган қўзиларнинг юз фоизини отарда қолдириб, эркак тўхлиларни 45—50 килограмм бўлгунча боқиб, сўнг гўштга топшириш мақсадга мувофиқдир. Фуқаро ва фермер хўжаликларига эътиборни янада кучайтириш керак.

Барча хўжаликларда жўжа боқишни ташкил этиш зарур. Бунинг имконияти бор. Авваллари етиштирилган доннинг асосий қисми давлатга топширилар эди. Энди бундай эмас. 1990 йилда 300 минг тоннага яқин дон хўжаликларда қолди. Яқинда «Ўзптицепром» раҳбарлари яхши иш бошладилар. Чет эл фирмалари билан биргаликда Тошкент ва Самарқандда улар ҳисобидан қўшма корхоналар қуриладиган бўлди. Йил охирига бориб ана шулар парҳез гўшт ва тухум бера бошлайдилар.

— Ёш мутахассисларга қандай гапингиз бор!

— Олий даргоҳда ўқишни тугаллаб, хўжаликка диплом билан келган мутахассисларга иш боши саломдан, унуми эса интизомдан бошланади, дегим келади. Қолаверса, улар ишдан чўчимасинлар, ўшанда мақсадларига, ниятларига етадилар. Демоқчиманки, ёш мутахассис биринчи ишни қалам билан доридан эмас, балки молбоқар белкураги билан паншахасини, сигирсоғарнинг челагини, чўпоннинг таёғини, жун қирқувчининг қайчисини ушлай билишдан бошласа чакки бўлмайди. Шунда меҳнатни қадрлайди. Устоз чорвадорлардан яхши сабоқ олади. Чорванинг тили йўқ, менга уни бер, буни бер, деб айтса.

Биз — мутахассислар чорвадорлар меҳнатини осонлаштириш, яъни оғирини енгил қилишга даъват этилганмиз. Агар кимки мол ҳидидан ижирғанса, унга яқин йўламагани яхши. У ўзини сен деса, чорвани сизласин. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришилади. Бундай чорвадорни ҳам, мутахассисни ҳам халқ ҳамиша ардоқлайди, қадрига етади.

Суҳбатдошлар:
Н. РИХСИЕВ,
Т. МИРҲОДИЕВ.



«Спутник» ёшлар халқаро туризми бюроси ҳамда Польшанинг «Нью стил» фирмаси биргаликда Наманганда ташкил этган кўргазмага 26 фирманинг турли-туман маҳсулотлари қўйилган. У фирма ва ширкатлар билан алоқа ўрнатиб, қўшма корхоналар ташкил этиш, моллар айирбошлаш ҳамда ёшлар сайёҳ гуруҳларининг сафарини уюштиришни мақсад қилган.

СУРАТДА: кўргазмада.
А. КОВТУН олган сурат (ЎзТАГ).

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ДАРЁ БЎЙИДАГИ ТАШНАЛИК

САРЛАВҲАНИ ўқиб, мақола Қорақалпоғистон ёки Хоразмда ёхуд Орол денгизи атрофида истиқомат қилаётганлар тўғрисида ёзилган бўлса керак, деб ўйларсиз. У вилоятлардаги одамлар ичимлик сувга ғоят ташналигини рўзномаларда ўқиб, радиодан эшитган киши ачинади. Шу боис уларга ҳамма саховат қўлини чўзаяпти.

Айни пайтда тоза сувли дарёлардан бири бўлган Чирчиқнинг шундоққина бўйида ичимлик сувга зор яшаётган кишилар ҳам йўқ эмас.

Чимбойлиқ қишлоғи Чирчиқ дарёси соҳилида, қир ёнбағрига жойлашган. Бундан йигирма йилча аввал қирдаги булоқнинг суви қувур билан қишлоққа келтирилиб, кўчаларнинг кўп жойида, хонадонларга жўмраклар ўрнатилганди. Ўшанда қишлоқ четидаги кичик маҳаллага «қувур етмай қолди» баҳонасида иш тўхтатиб қўйилганди. Лекин раҳбарлар бир-икки йил ичида бу ерга ҳам ичимлик сув келтиришни ваъда қилишган эди. Ўшандан бери орадан 20 йил ўтди. Кичик маҳалла аҳолиси ичимлик сувни ҳамон ярим чақирим масофадан обкашда, замбил-галтакда ташияпти.

Қишлоқ четида жойлашган бу хонадонларнинг ичимлик сувга муҳтожлигини «Хўжакент» совхозининг раҳбарлари ҳам яхши билишади. Унинг собиқ директори, ҳозирги пайтда шу қишлоқ шўросининг раиси Тўра Раҳмонов ҳатто, шу ерга сув келтириш учун қувур оламиз, деб қишлоқнинг дарё бўйидаги анча-мунча ерини ҳеч ким билан маслаҳатлашмай «Битовая химия» ташкилотига дам олиш зонаси қуриш учун бериб юборди. Улар мириқиб дам олишаяпти, лекин сув келтириш ҳақидаги гаплар унутиб юборилди. Қишлоқ аҳли собиқ директорнинг Чимбойлиқ ери ҳисобига қилган ҳотамтойлиги тагига ҳануз етолмай ҳайрон.

Бу машмашадан Бўстонлиқ райони раҳбарлари, ижрокомдагилар бехабар эмас. Бундан икки йил олдин қишлоққа келган ижроком раисининг ўринбосари Ваҳоб Қодиров: «Бу масала менинг шахсий назоратим остида бўлади, уни тез кунда ҳал қиламиз», деб ён дафтарига ёзиб қўйган эди. Аммо бу муаммо ҳамон очиқ қолаяпти.

Шу ўринда «қишлоқда оқар сув йўқми?» деган савол туғилиши табиий. Оқар сув бор. Лекин бу ергача маҳаллий ва минерал ўғитлар солинган ерлар орқали, оқаваларга қўшилиб келади-да. Бундай сувни истеъмол қилиш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас. Шу сабабдан хонадонлар оқар сувдан кир ва идишларни ювадилар, холос.

Чирчиқ дарёси қирғоқларидан дала-ҳовлиларига ажратиб берилган жойларда, дам олиш оромгоҳларида айрим одамларнинг дарё «сувига қандай муносабатда бўлаётганликларини маҳаллий аҳоли кўриб турибди. Фақат Чорвоқ шаҳарчасининг нажаслари эмас, дарё бўйида яшовчиларнинг ҳам суприндилари ва ахлатлари, ҳожатхоналарининг тешиги дарёга тўғрилаб қўйилган.

Кейинги йилларда Угам дарёси, Оқтошсой, Оқсоқотасой, Чорвоқ сув омбори атрофидаги сойларнинг сувида ҳар хил органик, минерал ва заҳарли моддаларнинг миқдори белгиланганидан 2—2,5 марта кўпайиб кетди. Ана шу ифлос сувдан Бўстонлиққина эмас, Чирчиқ, Тошкент шаҳарлари аҳолиси ҳам танаввул қилмоқда. Бундай муаммолар билан жумҳурият, вилоят, район юқумли касалликларга қарши кураш станциялари, атроф муҳитини муҳофаза қилиш маҳкамалари ҳам астойдил шуғуллансалар керак, ахир.

Чимбойлиқ қишлоғининг чет маҳалласида истиқомат қилаётган кексалар, ногиронлар, кўп болали оилалар аъзоларининг бидонлар, канистрлар, челаклар тўла сувни аравачаларда, елкада ташиётганликларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, яна мутасадди ўртоқларга мурожаат этиб, «улар сизнинг ёрдамингизни, саховатингизни кутиб, умид билан яшаяптилар» деб эслатиб қўймоқчимиз. Токи, неча-неча оилалар дарё бўйида ичимлик сувга зор бўлиб яшамасинлар. Бунинг учун бор йўғи ярим чақирим масофага етадиган қувур керак, холос.

С. ЙЎЛДОШЕВ,
журналист.

Қонун ва ижро

ҲУКУМАТ ҚАРОРИНИ БУЗАЁТГАН КИМ?

«Халқ сўзи» рўзномасининг 1991 йил 1 март сонида «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни кучга киритиш тартиби ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарори эълон қилинган эди. Унинг биринчи моддасига мувофиқ қонун эълон қилиниши биланоқ, яъни 1991 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирган.

Ушбу қонундан фуқаролар амалда фойдаланишлари учун қарорнинг учинчи моддаси орқали Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига қуйидаги вазифалар топширилган эди:

уч ой муддат ичида (яъни 1991 йил 1 июнгача) сотиб олинадиган, сотиладиган ҳамда акциядор жамиятга ва чекланган даражада жавобгар бўладиган жамиятга айлантириладиган давлат корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкини нархлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш;

— бир ой муддат ичида (яъни 1991 йил 1 апрелгача) «Ўзбекистон ССРдаги хусусий тадбиркорлик тўғрисида низомини ишлаб чиқиш;

— 1991 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг комитетлари билан келишилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

— 1991 йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунига мослаштириш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига киритиш.

Ҳаётимиз, эртанги турмушимиз учун ғоят муҳим бўлган бу қарор ижросини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Ахир пайпасланиб бўлса-да бозор остонасига етиб келдик. Лекин унинг майдонида эгаллайдиган ўрнимиз ҳам, даромаду буромад ҳам ҳануз бизга қоронғу. Ҳатто сотувчилик қисматимиз бўладими ёки харидор бўлиб қоламизми — буни ҳам билмаймиз. Чунки ҳали ичкаридаги аҳволдан бехабармиз. Бозорга кирадиган дарвоза ҳануз қулфлоғлиқ. Унинг калити эса юқорида номи эслатилган қонун ва уни амалга ошириш бўйича қабул қилган қарордир! **Бозорни ўз вақтида очмаётган ким бўлди экан, азиз «Халқ сўзи»! Парламентимизнинг бу тадбирбахш қарорини бизга Сен етказган эдинг. Энди унинг натижасини ҳам ўзингдан талаб қиламиз: суриштириб бер: ҳукумат қарорини бажармаётган ким у?!**

Зиёдулла ЗИЁМОВ,
муҳандис.

ИШ БИЛГАН ТЎЗИМАЙДИ

ОКТЯБРЬ районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганди. 1990 йил бошида давлат 10 миллион сўмлик қарздан кечиб юборган эди, аммо 1991 йил бошида хўжалик яна 3 миллион сўмлик қарзга ботди. Раҳбарлар вазиятдан келиб чиқиб, директорни алмаштиришга қарор қилдилар.

Янги директор Сайфулла Алимов ишни раҳбарлик лавозимларини қисқартишдан бошлади. Бунақа ўринлар элликта экан. Юз минг сўм иқтисод қилинди. Сув ҳавзалари бўйича 76 минг сўм, шийпонлар таъмиридан 50 минг сўм фойда кўрилди. 12 гектар ерга помидор экилди. Ҳосили шартнома асосида Сибирга сотилади. Шу каби яна бир қатор чоралар кўрилдики, энди хўжалик ўзини тутиб олишига умид қилса бўлади.

Асосий тадбирлардан яна бири — хўжалик оғир аҳволда эканлигига қарамай, ўз жамғармасидан аҳолига сотиш учун 50 бош қорамол ажратди. Ҳам Президент фармони бажарилади, ҳам аҳолида келажакка ишонч пайдо бўлади.

Абулқосим МАМАРАСУЛ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эй тилим, мангу боланг бўлайин!

ОНГ ВА ДИЛ КАЛИТИ

Тилимиз — қомусимиз. Унинг бойлигини бутун бир баҳри уммонга қиёс қилгулик. Унда биз пайқамаган, пайқаб ололмаётган имкониятлар, эътиборимиздан четда қолаётган калималар беҳисоб.

«Кўнгул махзанининг қулфи — тил, ва ул махзанининг калиди — сўз» деб бежиз айтмаганлар Мир Алишер бобомиз. Уни ўз йўли — йўриғига мувофиқ ишга солишни билмас эканмиз, қулф қулфлоғлигича — халқимиз кўнгил хазинасининг қопқаси ёпиқлигича қолаверади. Бу хазинадан бебаҳралик маънавий сўқирликка, миллий ўзликни инкор этишга олиб боради.

Замона зайли, турғун ва тоба фикрлаш майли, мафкура пардасига ўралган лисоний тазйиқ туфайли луғат мулкининг катта бир қисмига «эскилик» деган ёрлиқ осилиб, «собиқ сўзлар»га айлантириб қўйилди. Тилимизнинг ўтмиши билан ҳозири ўртасида муайян узилиш юз берди.

«Эски», «собиқ» сўзларни билиш ва тушуниш, муҳофаза қилиш тарихимизни, маънавий-маданий қадриятларимизни англаш учун зарур. Бу борадаги саъй-ҳаракатнинг ошкора, амалий тус олиши кўпна луғат мулкига мурожаат қилиш эҳтиёжини туғдирди. Матбуотимизнинг лоқайдлик, беписандлик туфайли унутилган сўзларни «тирилтириб», луғатимизнинг фаол аъзосига айлантириш йўлидаги хайрли изланишлари мана шу эҳтиёж самараси бўлди. Оз муддат ичида ноҳақ унутилган жуда кўп сўзлар фаолият қучоғига қайтди — тилнинг тарихи билан бугуни ўртасидаги жарлик бирмунча қисқарди. Айни пайтда бу жараёнга турлича муносабатда бўлинаётганлиги ҳам ўқувчиларга маълум. Баҳс-мунозараларда асли арабча-форсча лафзларни таомилга киритишга норозилик билдирилиб, соф ўзбекча-туркийча сўзларни топишни, агар топилмаса, янги сўз ижод қилишни тавсия этмоқдалар. Умумхалқ тилининг турли кўринишларида бизнинг эътиборимиздан четда қолиб келган сўз ва ифодаларни топиб фойдаланиш нуқтаи назаридан бу таклиф ўз мантиғига эга. Аммо барча хил олинмаларга беписандлик билан қараб, сунъий атамалар ясаш, тасодифий сўзлар ижод қилишга ружу этишнинг ҳам хавфли томони бор.

Бошқа тиллардан ўзлаштирилган олинма сўзлар тил экологиясининг долзарб муаммоларидан. Лекин бу адабий тилни ўзга тил унсурларидан бутунлай тозалаш тил тараққиётининг тарихийлигига зид йўл тутишга олиб келиши мумкин. Олинмалар айниқса илмий-техник атамашуносликда тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Айни пайтда ўйламасдан, уқувсизлик билан чет сўзларни ишлатиш ҳолларига ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Ахир «таъриф», «тавсиф» сўзлари турганда «дефиниция» лафзини қўллашга на ҳожат. Ўзбек узумчилиги атамалари ифодасини «Ўзбек ампелографик терминологияси»га алмаштириш ҳам фазилат саналмайди. Бу фан тилини жаргонлаштиришдан бошқа нарса эмас.

Шунингдек, адабий тилимизга араб, форс, рус тилларидан кириб келган барча сўзларни ўзбекчалаштириш зарур экан, деб тушуниш хато. Шундай сўзлар ҳам борки, уларнинг ўзбекча муқобилини топиш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Уларни зўрма-зўраки ўзбекчалаштириш сунъийликка, чалкашликка олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолларда анъанага риоя қилиб, борини ишлатавериш керак. Чунки суқилма (укол), мазмунлама (аннотация), йўлхат (билет, чипта, патта), машқгоҳ (стадион), олийгоҳ (институт), «совға» тизмалари ёки термалари (сервиз), ойнасўз (рукун, рубрика) сингари қўлланишлар нутқий одат тусини олиши ўта қийин кечади. Бундай ҳолларда тил анъаналарига, нутқ одатларига суянилса ёмон бўлмайди. Маромли алоқа муҳитини сақлаш шуни тақозо этади. Тил, унинг сўз мулки миллий маданиятни жадаллаштирувчи (аккумулятор)гина эмас, нутқий маданиятни муҳофаза қилувчи (амортизатор) ҳамдир.

Масаланинг иккинчи бир жиҳати ҳам бор. Бу арабча, форсча деб камситилаётган ўша собиқ сўзларнинг, ҳатто тажовузкор лафзлар сирасига киритилаётган айрим байналмилал атамаларнинг ҳам ўзбек халқининг ўтмишига, унинг адабиётига бевосита дахлдор эканлигидир. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Сўз янгими-эскими, маромлими-маромсизми, одатийми-ғайриодатийми — агар у ўринли ишлатилган бўлса, бу сўз ўша нутқ амали учун, айни шу матн учун яроқли ва зарур ҳисобланади.

Сўз танлаш ва қўллаш ҳар кимнинг шахсий иши. Бунинг умумий алоқа муҳити, нутқ маданияти ва маромлари, ижодкорнинг ижтимоий-эстетик мақсади билан боғлиқ жиҳатлари ҳам мавжуд. Гап ҳозир журналистнинг, ёзувчининг шахсий услуби, сўз қўллаш имкони ва ҳуқуқи хусусида бормоқда. Бинобарин, у ёки бу сўзни ишлатиш ёки ишлатмасликни умумхалқ муҳокамасига қўйиб ҳал этиб олишга даъват этишнинг ўзи ғайри одатий бир ҳол. Бу қўлга олинган луқмани ҳар сафар маслаҳатлашиб, кейин тановул қилишдай бир гап. Бунда сўз танлаш ва қўллаш эркинлигини тушовлашга интилиш бор. Матбуот саҳифаларидан «дарё-наҳр», «денгиз-уммон-океан», «лектор-хатиб», «кино-синимо» тоифасидаги маънодош сўзларни йиғиб, муҳокама қилиб ва уларнинг қўллаш учун яроқли-яроқсизлигини тайин этиш, тавсия беришга интилишнинг ўзида бирёқламалик, шошма-шошарлик бордай туюлади менга. Чунки бу ҳам сўз қўллаш устидан назорат ўрнатишнинг бир кўринишига, адабий тил луғатининг қайта маромланиш жараёнига тазйиқ ўтказишга ўхшайди. Сўз экологияси муаммосининг ўзи мана шу хил тазйиқу таъқиқлар туфайли юзага келганлигини унутмайлик.

Шунингдек, шахсий-услубий қўлланишлар тилимизни бузаяпти, атамашуносликда чалкашлик келтириб чиқараяпти, деб ташвишланишга ҳам ўрин йўқ. Бинобарин, нутқимизда учраган барча шахсий услубий қўлланишларни териб атамалар рўйхатига тиркаб қўйиш ҳам, аксинча, уларни ишлатма, деб кўрсатма бериш ҳам ўринсиз. Атамашуносларимиз жиддий ўйлаб кўрадиган муҳим муаммо бу!

Биз она тилига, унинг мақомига асосан маънавий-маданий қадрият (мерос) сифатидагина ёндашаётганга ўхшаймиз. Тил, сўз — маданият ёдгорлиги, халқнинг тарихий хотирасидангина иборат эмас. Тил, бу — амалиёт ҳам, у бизнинг кундалик фаолиятимиз, турмушимиз, тирикчилигимизнинг узвий қисми. Давлат тили — амалдаги тил, шу куннинг эҳтиёжини қондираётган тил. Бугунги кун эҳтиёжи эса илму таълимга ҳам, идоравий бошқарувдан тортиб бозор-ўчардаги расмий ва адабий нутқий воситаларга ҳам алоқадор. Шундай экан, тил маромларига оид тавсиялар ва қоидалар тил амалиётига, жамиятнинг маданий маромли нутқ одатлари ва анъаналарига асосланган бўлиши лозим. Чунки бундай тавсия алоқа вазиятида синовдан ўтган бўлади. Шу боис ҳам матбуотда, радио ва телеэшиттиришларда учраган ҳар бир сўзга атама тусини беришга унчалик шошилмаслик керак. Уларнинг амалий нутқ синовидан ўтишига, «ишлашига», кўпчиликнинг дидига мос тушиш-тушмаслигига эътибор берайлик. Нутқ амалиёти — тилнинг табиби!

Тилнинг ижодкори ҳам, ҳукмдори ҳам халқнинг ўзи. Демак, биз ҳаммамиз — ўзбекча ўйлайдиган, ўзбекча гаплашадиган жамоанинг ҳар бир аъзоси она тилининг тақдири, мавқеи ва маданияти учун масъулмиз. Унинг мақоми ҳам, мароми ҳам бизнинг онгли муносабатимиз, меҳру ҳурматимиз туфайли камолотга эришади. Бу — тил муҳофазасининг, сўз экологиясининг муҳим бир шарти.

Ўз тилингдан фахрланиш унинг сўз бойлигини, турфа имкониятларини билиш дегани. Биз эса унинг жуда оз қисмидангина хабардормиз, демак, сўзга камбағалмиз. Буни тан олиш керак. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, аросат бир қурама лаҳжада тил чиқарганмиз, таълим олганмиз. Шу боис Ибн Синодан, Аҳмад Яссавийдан, Алишер Навоийдан гап очилса, елка қисамиз.

Халқимизнинг асрлар давомида саралаб, сайқал бериб келган мақолу маталларига, маъною шоирларга бой сўз-калималарига, панд-насиҳатларига менсимай қараймиз. Уларни билишга, тушунишга эринчоқлик қиламиз. Оқибатда одобу ахлоқ, урфу одатларимиз билан боғлиқ нутқ анъаналарини, лутфу такаллумга бой муомала усули ва йўриқларини унутиш даражасига етдик.

Луғат мулкининг маълум қисмига «диний сўз» тамғасини босиб, одоб-ахлоққа доир калималар ҳам динийликда айбланди. «Оллоҳ», «худо», «имон», «савоб», «дуо» «фотиҳа», «наврўз», «ҳайит» қаторидаги сўзлар қатағон қилинди. Дин ҳам маънавий маданиятнинг, одоб-ахлоқ маромларининг таркибий қисми эканлигини эътироф этишдан олиб қочдик ўзимизни. Оқибат нима бўлди? Нутқ такаллумини, шарқона, ўзбекона муомала маданиятини менсимай қўйдик. Пиру бадавлат қарияларимизнинг дуосию фотиҳасини эскиликка йўйдик. Натижада, муолажага ва муҳофазага муҳтож муомала муҳити юзага келди. Бу муҳит дуо қилинг, «фотиҳа беринг» деган ифодаларни маданий алоқа мароми сифатида тан ололмайди. «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми» ҳикматига тасқари тасаввурнинг устуворлиги шундан эмасмикин!

Халқ ўз фалсафаси, урф-одати, билими ўз лисоний ифодасига эга, булар сўзда, унинг маъносида намоён бўлади. Демак, тил ҳам бир фалсафа. Бу фалсафа лисоний жиҳатдан унинг луғати таркиби ва тартибида қайд этилади. Фалсафий жиҳатдан эса у кишиларнинг фаолиятида, хулқ-атвори, билими ва савиясида зоҳир бўлади. Шоир Мирза Кенжабоев сўзлари билан айтганда, «Она тилида онанинг дард, ўйи бор». Она сўзни унутганлар, уни хотирасидан кўтарганлар онанинг дарди, ўйини тушунишга қодир бўлмай қолишади. Имонли, эътиқодли, андишали бўлиш учун имон, эътиқод, андиша деган сўзу тушунчалардан бохабарлик ҳам керак-да, ахир. Эътиборга молик бир далил: социолог олимларнинг аниқлашларича, жиноятчиликнинг энг кўп қисми миллий лисоний қиёфасини, ўз она тилида сўзлашиш имкониятини йўқотган шаҳарлар ҳисобига тўғри келаркан. Турмушимизни, одамлар ўртасидаги турфа муносабатларни кузатиб юрганлар бу ҳақиқатга ҳисоб-китобсиз ҳам ишонч ҳосил қилоладилар. Шу нарса аёнки, воқеа-ҳодисани сохталаштириш, уларни маълум мафкурага мослаб талқин этиш, унинг моҳиятини ўзгартириб шарҳлаш ҳам оқибатда сўз ва ифодалар маъносида ўз изини қолдиради. Бу муомала маданияти, баён йўсинигагина эмас, инсон хулқ-атворига ҳам, демак, унинг фалсафасига ҳам таъсир этади.

Сўзга бойлик — маънавий бойлик, фикрлаш имконининг кенглиги демак. Сўз (тил) тарбия воситаси. Сўз сеҳрли кучга, тарбиявий қудратга ҳам эга. Киши табиатидаги мулойимлигу қўрслик, маданийлигу дағаллик унинг муомаласида зоҳир бўлади. Сўз билиш, сўзга меҳрлик инсон табиатида, хулқ-атворида, билими ва маданиятида ўз изини қолдиради. Бу ота-оналар, боғча опалар, муаллимлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Маданий, чиройли ва жозибали нутқ — булар ҳам тарбия маҳсули; ўз она тилига ҳурмат унинг руҳини ҳис этиш самараси.

Тарбиячи муаллим, устаю мураббийнинг гап-сўзлари ўз сеҳри, жозибаси билан ёшлар учун намуна бўлиши зарур. Амалда бундай фазилатга эга муаллимлар тобора камайиб кетмоқда. Мактаб ўқувчиси математика ва рус тили ўқитувчиларидан «безиб қолганмиз, чунки уларнинг луғатидан «мўлтони» «мараз», «эшшак» каби сўзларни эшитамиз», деб ёзибди «Гулхан» журналига (1990 йил 3-сон). Ёш ниҳолни бўлмағур сўзлар билан ҳақоратлаш, камситиш унинг қалбига эзгулик уруғини сочмайди, унинг инсонлик қадрини ерга уради. Бу унинг тарбиясида, муомала маданиятида акс этиши шубҳасиз. Ёмон сўз билан яхши одамни тарбиялаб бўлмайди. Дашномчи ўқитувчи муаллим эмас, гарчи у ўта билимдон эрса ҳам. Аслида, ҳақиқий билимдоннинг бадхулқ, бадзабон бўлишига ишониш қийин. Сухани ёмоннинг зиёлилиги ҳам, маданиятли эканлиги ҳам шубҳали. Ҳазрат Алишер Навоий «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деганларида ёмонтилли дилбузарларни назарда тутганлар. Улар фақат ўз бошларига офат келтирибгина қолмай, эл кўнглига ҳам жароҳат етказадилар. Сўз тилга ихтиёрсизлар туфайли ёмонлик яроғига, тилга иқтидорлиғлар воситасида маънавий-маданий, ахлоқий баркамоллик тимсолига айланади.

Халқ топиб айтган: тиғ яраси битса ҳам, тил яраси битмайди. Яхши сўз илонни инидан, ёмон сўз мусулмонни динидан чиқарар. Ҳа, сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки тарҳи бор. Ёмон сўз ҳам бир калит. Лекин кўнгилни яралайдиган, халқни бузадиган қулфнинг калити. Жоҳиллик, дағаллик воситаси бўлган бу калит билан кўнгилларга йўл топиб бўлмайди.

Яхши сўздан, ширин каломдан бехабарлик, унга беписандлик ҳам кишини ёмон сўзга чаққон қилиб қўяди. Ахир бўзчи билганини тўқийди-да. Муомаладаги ғариблик, хулқдаги дағалликнинг бир жиҳати кишининг ўз ҳис-туйғуларини, фикр-мулоҳазаларини ўзи истаган тарзда ифодалай олмаслигидан. Имкониятнинг чекланганлиги эса унинг шахсий сўз жамғармасининг бечораҳоллигидан. Сўзи бойнинг муомала имконияти ҳам бой.

Сўз — жилға, нутқ — дарё. Дарёнинг тиниқ-лойқалиги жилғага ҳам боғлиқ. Сўзи носаранинг дарёси саёз. Хотирадан кўтарилган сўз нутқни тарк этади. Нутқнинг таркиби ҳам, таъсири ҳам сустлашади оқибатда. Замона зайли билан хотирамиздан кўтарилган сўзларимиз кўп. Бугун улардан огоҳ бўлиш ҳаракатидамиз. Эски сўз мулкидан янги калом излаб, нутқ оқимида ўзини қандай тутишини синаб кўраяпмиз. Эски дегани собиқ дегани эмас. У ёки бу сўзни билмаслигимиз, маълум тушунчага мос атамани топа олмаётганлигимиз, баъзилар даъво қилганидек, тилимизнинг қашшоқлигини кўрсатмайди. Эскининг эгаси ҳам ўзимиз. Уларни излаб ишга соладиган ҳам ўзимиз. Зарур лафзни тополмаётган эканмиз, бу ўзимизнинг сўзга қашшоқлигимиздан. Читтигул, мойчечак, газак ўт, чўпонтелпак деган маънодош сўзлар турганда, ромашка дейишдан чарчамаймиз. Негаки-бехабармиз. Шу боис шонабарг демасдан гулёнлиги, гулёнапроқ каби сунъий атамалар ижод қиламиз. Калава сўзидан бехабар ўқувчи «Қаландаров калавасининг учини йўқотиб қўйди», деб ёзса, тилда нима айб? «Қарамоғида 15 та говмиш бор» қабилидаги ахборотни такрор-такрор эшитамиз, ўқиймиз. Аммо кишининг қарамоғида оиласи, бола-чақаси, ота-онаси бўлишини, молга нисбатан қаровимда, боқувимда дейилишини ўйлаб кўрмаймиз. Ширгурувчи ширингуруч, лафзни лабз, боғчани боқча дейишлар, ва ёзишлар ҳам бехабарликдан. Баъзи мухбирларнинг ғўзани сувлаши, эгатларга сув солиши ёки суа таратиши (аслида, таралади) ҳам, сувни олға суриб бошқаришию ғўза қатор ораларини (эгат ёки жўяк эмас) бостириб ёки бостирмай оби-ҳаёт бахшида этишлари ҳам сўзга беписандликдан. Фаҳму идрокнинг тўмтоқлиги ҳам, фикрий эринчоқлик ҳам тилимиз жозибасию сўзларимиз сеҳрига озор етказади, Сўзга нўноқлик, уқувсизлик тил мавқеини, нутқ маданиятини юқори кўтармайди. Бу хил ғализликларни бугунги кун адабий тил луғатини қайта маромлаштириш асносидаги изланишлардан, тасодифий тажрибалардан фарқлаш лозим. Ҳозир матбуотда манзил, манзилгоҳ, тураржой, қўнимгоҳ, қароргоҳ, макон, унвон сўзлари ишлатилиб, уларнинг адрес лафзига муқобиллик имконияти баҳоланаяпти. Ноҳия, туман, ўрам, тегара, даҳа, депара, мавзе, музофот каби калималарнинг қўлланиш ўрни, вазифаси чамалаб кўрилмоқда. Қарор сўзи сирасида тўхтам, хулоса калималарининг муҳим ўрни ва вазифасини чегаралаб олиш учун ишлатиб кўриш керак. Бу жараёнда маълум маромсизликка йўл қўйилиши ҳам табиий бир ҳол. Бусиз энг зарур, энг яроқли сўзни тайин этиш, демак, маромни қарор топтириш қийин.

Биз сўз излаяпмиз ҳозир. Тилимизга, дилимизга ярашиқ, ўрни ва вазифасига муносиб ўз сўзимизни излаяпмиз. Топишга топиб, гоҳо ҳайрон бўлиб, ўйланиб ҳам қолаяпмиз. Шоир Сулаймон Раҳмон она тимсолида тилга мурожаат қилиб: «Ҳайронман, бизларни айламай ҳайрон, тилимиздан сўзлар йитмоқда, она. ...Сиз сўзсиз — мен сўзни соғиниб келдим», — дейди. Қанийди сўзни соғиниш онани соғинишдай азиз бир туйғуга айланса! Ҳа, мана шу туйғудан бенасиблар ҳам йўқ эмас.

Илло, «ғози еб, ишлар қўли, ухлар хаёлу капласи, воажаб, қилмиш карахт ҳатто тилин дўст алласи», деганида жон бор. Шу сабабли ҳам ҳар биримиз «Эй тилим, сен ухлама, мен мангу боланг бўлайин» дейишга бурчлимиз. Бу бурчни унутмаслик биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Негаки, бу бурч халқимизнинг тақдирию тараққиётига, миллий маданияту маънавиятнинг камолотига элтувчи қулфу калитга — она тили ва она сўзга дахлдор!

Ирисали ТОШАЛИЕВ,
Тошкент давлат университети журналистика факультети кафедраси мудири, доцент.

ИНСОН ВА АХЛОҚ

КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗА

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг талон-тарожга қарши кураш (БХСС) бўлими ходимлари нарх-наво ислоҳотидан сўнг «болалаб» кетган олғирлардан бир қанчасини ўз тўрига илинтирдилар.

ҚЎШКЎПИРДАГИ консерва заводи таъминотчиси Юсуф Жуманиёзов шу йил 2 апрель куни «Тошкентвино» комбинатидан 6 минг шиша арақ олиб Хоразмга етиб келди. Уддабурон таъминотчи 60 минг сўмлик юкни негадир тегишли савдо даргоҳига эмас, консерва заводи ишчиси Тиркаш Отаевнинг уйига туширди. Милиция ходимлари «адашган юк»ни тезда топиб, ўз манзилига етказдилар.

БОҒОТ умумий овқатланиш корхонасига қарашли тамаддихона мудири Қурбонбой Нурматов ҳам харидорлар ҳисобига бойиб олишни дилга жо этиб ишга киришди. У 25,5 минг сўмлик анвойи ичимликлар ва минг қути «Родопи» сигаретини ҳеч тап тортмай уйига элтиб яширди. Қинғирликдан гўё ҳеч ким хабар топмагандек эди, аммо ҳеч кутилмаганда сир ошкор бўлди. Танқис моллар тамаддихонага, Қ. Нурматов эса милицияга келтирилди.

ЯНГИАРИҚЛИК дўкон мудири Ғойиб Саидризаев ҳам танқис молларни бекитиб мўмай фойда кўришни кўзлаганди. Нарх-наво ошиши арафасида у умумий баҳоси 15 минг сўмликдан зиёд 1.026 килограмм ҳинд чойи, 2.000 шишадан ортиқ вино ва коньякни отасининг уйига бекитди. Ички ишлар ходимлари нохўя ишнинг пардасини кўтариб, молларни ўзининг ҳақиқий эгалари — харидорлар қўлига топширишди.

14 апрель куни Ҳазорасп райони ҳудудидан ўтувчи республикалараро катта йўлдан шитоб билан келаётган учта машина йўл назоратчилари томонидан тўхтатилди. Уларга вилоятдан ташиб кетиш ман этилган юк — шоли ортилган экан. Кейин аниқланишича, 10 тонна бу маҳсулот Гурлан районидаги «Янгиобод» давлат хўжалиги омборхонасидан олиниб, Туркманистоннинг Чоржўй вилоятидаги Киров номли жамоа хўжалигига йўл олган экан. Юк Гурланга қайтариб юборилди.

Хоразмлик БХССчилар апрелнинг дастлабки 15 куни мобайнида жами 22 нохўя хатти-ҳаракатга чек қўйишди. Аммо нарх-наво ошиши билан боғлиқ қаллобликлар ҳамон давом этмоқда.

Атрофимизда эса эртаю кеч елиб-югурса-да топгани бир бурда нону парча кийимга аранг етаётган бечоралар қанчадан-қанча. Уларнинг ризқини қўлидан тортиб олиш тубанлик ва гуноҳи азим эмасми! Нарх ошиши кимларнидир оздираяпти, кимлардир бундан семиришаяпти. Кимга тўй, кимга аза дегандек. Бировнинг ҳисобига семираётганлар эрта-индин «пақ» этиб ёрилишлари ҳеч гапмас...

Абдулла СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли истаги билан

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят совети ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида меҳнаткашларининг шаҳар кўчаларини Туркистоннинг атоқли фарзандлари номи билан аташ тўғрисидаги талабномалари кўриб чиқилди. Самарқанд шаҳри марказидаги Фрунзе кўчаси бундан буён буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур номи билан атападиган бўлди.

Хатирчи районида ҳам пала-партиш қўйилган жой номлари ўзгартилаяпти. «Москва» жамоа хўжалиги энди унинг собиқ раиси Аҳмад Ёрлақбоев номида юритилмоқда. Иштихон районидаги Некрасов номли 48-ўрта мактабга Абдулла Қодирий, Ворошилов номли 31-ўрта мактабга Бобур номлари берилди.

Баҳодир ҚОБУЛОВ.

Тожикистон янгиликларидан

ЎЗБЕК МУАЛЛИМЛАРИ КЎПАЯДИ

Хўжанд давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими Тожикистон Халқ таълими вазирлиги қарори билан шу йил февраль ойидан алоҳида факультетга айлантирилди. Бу — республикадаги ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимлари тайёрлайдиган ягона ҳамда биринчи билим даргоҳидир. Жамоатчи мухбиримиз Алижон ЕТМИШБОЕВ навоийшунос олим, профессор Эргашали ШОДИЕВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Домла, янги факультетнинг очилиши билан Тожикистонда ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимларига бўлган эҳтиёж қондириладими?

— Очиғини айтганда, Хўжанд дорилмуаллимининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига аллақачон факультет мақоми берилиши керак эди. Майли, ҳечдан кўра кеч ҳам яхши. Лекин бу бутун Тожикистон учун ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимлари тайёрлаб бериш масаласи ҳал қилинди, деган гап эмас. Ҳозирги пайтда биргина Ленинобод вилояти аҳолисининг учдан бир қисмини ўзбеклар ташкил этишади. Шунинг учун куллиётимизнинг очилишини кенг кўламли хайрли ишнинг ибтидоси деб билмоқ керак.

Айни пайтда республиканинг Вахш водийсида яшаётган кўплаб ўғил-қизлар билим олиш учун неча-неча чақирим йўл босиб Хўжандга келишади. Уларни бунчалик овора қилмаслик учун келгусида Душанбе ва Қўрғонтепа дорилмуаллимларида ҳам ўзбек тили ва адабиёти факультетини очиш пайти келди, деб ўйлайман.

— Ўзбекистонда яшовчи тожик миллати вакилларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун бирмунча диққатга сазовор ишлар қилинаяпти. Самарқанд ҳамда Бухоро давлат дорилмуаллимларида тожик тили ва адабиёти факультетлари бор. Республика миқёсида чоп этиладиган «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномасидан ташқари Сурхондарё вилоятида «Садои Сурхон», Самарқандда «Садои Самарқанд», рўзномалари чиқиб турибди. Буларнинг бари кишини қувонтиради. Дўстлик ришталари, кўнгил кўприклари шу тариқа мустаҳкамланиб бораверади....

— Биз, тожикистонлик ўзбеклар ҳам нолимаймиз. Умуман олганда, ўзбеклар нолимайдиган халқ. Тожик билан ўзбек — эт билан тирноқ. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Аммо кейинги ўн йилликларда тарихий удумларимиздан кўпини, ўзлигимизни унутиб қўяёздик. Шу боис ҳам бугун қайтадан қўрмоқдамиз, муносабатларимизни ўзгартирмоқдамиз. Бироқ бу галги инқилобий қайта қуришда инсон қадриятига, миллат туйғусига рахна солинмаслиги лозим.

Қиёслаш учун бир мисол келтираман. Ленинобод вилоятида истиқомат қилаётган ўзбеклар аҳолининг учдан бир қисмини ташкил этишгани ҳолда, ўз тилларида мустақил рўзнома ўқий олмаётирлар. Аслида бу масала республика ҳукумати раҳбарияти даражасида муҳокама этилганди. Тўғри, «Ҳақиқати Ленинобод» вилоят газетасининг бир саҳифаси ўзбек тилида чоп этилади. Бироқ бир саҳифа — рўзнома деган гап эмас. Ёки Хўжанд шаҳрида яшаётган аҳоли 70 фоиз ўзбеклару уларнинг ўз она тилларида таҳсил олишлари учун ҳануз мактаб йўқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳозир бу муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари топилаяпти. Факультетимизнинг ташкил этилиши ҳам мазкур масаланинг бир ечимидир.

— «Халқ сўзи» рўзномасига қандай истакларингиз бор?

— «Халқ сўзи» бугунги кунда бизнинг Тожикистонда истиқомат қилаётган ўзбекларининг ҳам севимли нашрига айланиб бораётир. Ҳар бир сонини интиқлик билан кутиб мутолаа қиламиз. У ҳозиргидай сермазмун, халқона чиқаверса, муштарийлари сони янада кўпайишига имоним комил.

Фурсатдан фойдаланиб шундай тилак билдирмоқчиман: Тожикистондаги айрим матбуот нашрлари «Точикон, чй ҳол доред?» (Тожиклар, аҳволингиз қалай?) рукни остида Ўзбекистон ва бошқа минтақаларда яшаётган тожик биродарларимиз ҳақида ранг-баранг материаллар бериб боришаяпти. Адабий китоблар чиқариш тажрибалари бошланди. «Халқ сўзи» ҳам шунга ўхшаш рукн ташкил этсаю, бошқа республикаларда истиқомат қилаётган ўзбеклар турмуш тарзини ёритиб борса ғоят ибратли ва хайрли иш бўларди.

— Бу масалада рўзнома муҳарририяти сизга фикрдош. Суҳбатингиз учун ташаккур!

Бўз районида ҳаётга тадбиқ этилаётган яхши бир удумдан дил тўлқинланади. Ўзига тўқ оилалар, халқ депутатлари, турли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу ердаги иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган оилаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга бириктириб қўйилган. Улар ҳолидан тез-тез хабар олиб турилади, зарур бўлган пайтда амалий ёрдам кўрсатилади.

Райондаги Маннон Жалолов номли хўжаликнинг директори, Андижон вилоят советининг депутати Адҳамжон Уринбоев ўз оила аъзолари билан хўжалик ҳудудида яшовчи Саломатхон ая Собирова хонадонига тез-тез келади, негаки улар ташвишларига шерик.

СУРАТДА: А. Уринбоев ўғли билан Саломатхон аянинг ҳузурида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ БЕМАЛОЛ

ХАЛҚ талаби билан Янги Қўқон кимё заводи фаолиятига чек қўйилган, унинг цехлари «касби»ни ўзгартириб, қурилиш ашёлари чиқаришга киришган эди. Бу йил корхонанинг иккинчи навбатини барпо этиш учун мўлжалланган жойда Янги Қўқон қурилиш материаллари комбинати қад ростламоқда. У тош йўнадиган, ғишт ва безакли керамика плиталари ишлаб чиқарадиган 3 та заводдан иборат бўлади. Улар ишга тушгач, йилига аҳолига ва саноат корхоналари эҳтиёжига ярайдиган 85 минг квадрат метр мармар ва гранит плиталари, 60 миллион дона пишиқ ғишт, 1,4 миллион квадрат метр безакли керамика плиталари етказиб берилади.

Ҳозир икки завод қурилиши бошлаб юборилди. 1993 йилда дастлаб тош йўниш заводини ишга солиш, кейинги навбатда ғишт заводини қуриб битказиш режалаштирилмоқда. Корхона учун юқори сифатли хом ашё Ўзбекистон районида янги очилган Шўрсув конидан келтирилади. Унинг заҳираларини, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, узлуксиз ишлатилганда ҳам юз йилга етар экан. Хом ашёни ташиб келтириш учун 39 чақирим узунликда темир йўл қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

ДАРД ЁШ ТАНЛАМАС

Ҳар қандай дард инсонга она қорнида шакллана бошлаган чоғидаёқ теккан бўлса, оқибати оғир кечади. Халқимизда бир нақл бор: Соғлом онадан — соғлом бола туғилади.

Республикамиз болалари ўртасида касалликлар ва чақалоқлар ўлими даражаси юқори эканлигига биринчи сабаб оналар организмининг ниҳоятда заифлигидир. Ҳозир айниқса қишлоқ шароитида яшаётган ҳомиладор аёлларнинг аксарияти камқонликка чалингани сир эмас. Масалан, ўтган йил Фарғона вилояти Боғдод районидаги туғруқхонада ётган аёлларнинг 70 фоизи, Сурхондарё вилояти Ангор районида эса ҳомиладорларнинг 85 фоизи, Қорақалпоғистонда 90 фоиз фарзанд кутаётган аёллар ана шу хасталик билан кўзи ёриган.

Хўш, нега улар бундай аҳволга тушиб қолишди?

«Ўзбекнинг миллий ифтихори — пахта» туфайли энг оғир зарба хотин-қизлар ва болалар зиммасига юкланди. Якказироатчилик боғ-роғларни, яйлов-адирларни ютиб кетди. Элимиз гўшт, сут, мева-чевага зор бўлди. Озиқ-овқатимиз таркибида оқсил, ёғлар эмас, заҳарли моддалар кўпайди. Эртаю кеч пахта даласида оғир қўл меҳнати билан банд бўлиб, овқатланиш ва дам олиш режаси нима эканлигини билмаган оналаримизнинг соғлиғи буткул ёмонлашди. Бундай аёллардан у ёки бу хилдаги туғма нуқсонли гўдаклар туғилиши кишини даҳшатга солади.

Ҳукуматимиз худди шу аянчли аҳволни яхшилашга ҳаракат қилаяпти. Ҳозирги вақтда республиканинг барча вилоят ва шаҳарларида кўп болали оилаларнинг икки ёшгача бўлган фарзандларига бепул овқат берилмоқда. Аммо ҳеч вақо топилмаса, бунинг нима фойдаси бор?! Зеро, икки ёшгача бўлган 70—80 фоиз болалар камбағал оилаларда тарбияланаяпти! Камқонлик туфайли онада сут етарли бўлмаса, дўконларда қўшимча овқат топилмаса, боланинг ҳоли нима кечади?! Бундай болалар рахит, гипотрафия (вазни камайиб кетиши), камқонлик ва бошқа дардларга йўлиқадилар. Мабодо мана шу хасталиклар пайтида зотилжам ёки грипп ҳам хуруж қилса, беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш янада мушкуллашади.

Дарвоқе, айрим раҳбарларнинг фикрича, район ва шаҳар ижроия комитетларининг план-режа бўлимлари болалар шифохоналарида «пуллик хизмат»ни йўлга қўйишлари зарур эмиш. Очиғи, ақлга сиғмайдиган гап! Боласининг қорнини бир амаллаб тўйдираётган ота-она муолажа учун пулини қаердан топади?

Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили 3 фоиз атрофида кўпаймоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиши шубҳасиз. Касалманд болаларнинг 60 фоизидан ортиғи қишлоқларда яшайди. Уларнинг саломатлигини фақатгина аҳоли турмуш даражасини кескин кўтариш билан яхшилаш мумкин.

Шуҳрат ТУРСУНОВ,
Тошкент болалар шифокорлиги илмий текшириш институтининг бош врачи.

ЁДЛАБ ОЛИНГ

МАСЖИДҚА НЕЧА АҲЛИ РИЕДЕК ЕТАЙИН,
Е РИНД КЕБИ АЗИМАТИ ДИЕР ЭТАЙИН.
МАҚСУД ТОПИЛСА — ЯХШИ, ЙУҚСА НЕТАЙИН,
БОШИМНИ ОЛИБ ҚАЙ СОРИ ЭМДИ КЕТАЙИН?

НАВОИЙ ВА НОЗИМ ҲИКМАТ

Алишер Навоий жаҳоннинг энг улуғ шоирларидан бири эканини биз айтсак, эҳтимол овозимиз бутун дунё бўйлаб таралмас. Лекин энди бу гапни турли мамлакатлардаги машҳур адибу шоирлар айтишса-чи? Бундай ҳаққоний эътироф бизнинг юкимизни енгил қилибгина қолмай, кўнглимизда илиқ бир мамнуният ҳиссини уйғотиб, зўр фахр туйғусини қўзғайди. Машҳур француз адиби Луи Арагон 1955 йилда чоп этилган «Совет адабиёти» китобининг «Навоий» деган махсус фаслида мана бундай деб ёзади: «Замонамизнинг машҳур шоирлари — чилилик Неруда, прагалик Незвал, испаниялик Альберти, кубалик Пельен, флодельфиялик Лоу Энфелис ва туркиялик Нозим Ҳикмат бугун Навоий ижодига таъзим қиладилар» .

Бироқ таъзимда ҳам таъзим бор-да. Хўш, Арагон тилга олган шоирлардан бизга қалбан ҳам, лисонан ҳам энг яқини — Нозим Ҳикмат туркий халқлар адабиётининг азалидан ҳозиригача, ким билади дейсиз, балки абадийгача энг буюк сўз сеҳргари бўлиб турган бобо калони — Алишер Навоийга таъзимни қандай ифодалади экан?

1948 йил Нозим Ҳикмат Туркиядаги қамоқхоналардан бирида ётибди. Аммо турмада ҳам қаламини қўлидан ташлаган эмас. Ўша йили у бир драма ёзди. Унга: «Фарҳод, Ширин, Маҳманабону ва Темур тоғ суви», деб ном қўйди.

1948 йил. Алишер Навоийнинг 500 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Пьеса қаҳрамонлари эса Фарҳод Ширин, Меҳманабону, яъни Меҳибону... ана шу икки уйғунлик ҳали асарни ўқиб чиқмасингизданоқ сизда: «Бу Нозим Ҳикматнинг улуғ Навоий юбилейини қамоқхонада туриб қаршилаши, тўйга тўёнаси эмасмикин?» — деган фикр уйғонади.

Таниқли озарбайжон низомийшуноси, марҳум Ғ. Алиев бу пьесани Низомий Ганжавий «Ҳамса»сидаги иккинчи достон — «Хусрав ва Ширин» таъсирида битилган, деб ҳисоблаган эди. Бу сайёр сюжет асосида асар битишнинг сарчашмаси Низомий достони экани, Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав»и ҳам ўша достонга жавобия, Навоий «Фарҳод ва Ширин»и эса Низомий ва Деҳлавий достонларига нозира тарзида битилганини инобатга олсак, албатта Нозим Ҳикматни Низомий сюжетлари асосида асар битганлар рўйхатига киритиш керак. Бироқ Фарҳод образининг бош қаҳрамони қилиб олишиёқ таъсир манбаини энди Низомийдан эмас, Навоийдан қидиришни тақозо этади.

Кўпчиликка маълумки, Низомий достонида Фарҳод образи яратилган бўлса-да, асарда бу йигитнинг ширингина ишқи—эпизодик сюжет. Низомий достонининг асосий йўналиши эса Хусрав билан Ширин севгисини васф этиш, Навоий ўз достонига тамоман янгича ғоявий-фалсафий мазмун юклади, бунинг учун эса аввало, Фарҳод ва Ширин ишқини куйлашни бош мақсадга айлантирди.

Бу мавзуда Навоийдан кейин ҳам Шарқ адабиётида ўнлаб достонлар битилди. Бироқ энди шоирлар фақат Низомийга эмас, Навоийга ҳам жавоб айта бошладилар. Ғ. Алиевнинг «Шарқ халқлари адабиётларида Низомий мавзулари ва сюжетлари» (М. 1985) китобида зикр этилган мавзуда ёзган муаллифлар, уларнинг асарлари хусусида қисқа-қисқа хабар берилган. Аниқлашимизча, шу сайёр сюжет бўйича Навоийдан кейин 62 асарнинг 18 тасида Хусрав билан Ширин эмас, Фарҳод билан Ширин севгиси тараннум этилган. Бизнингча, ўзбек, форс-тожик, турк, озарбайжон, уйғур тилларидаги ана шу 18 асар ё Навоий достонига жавоб, ё «Фарҳод ва Ширин»нинг у ё бу кўринишдаги таржимаси. Албатта бу фикрни илмий исботлаш учун махсус тадқиқот керак.

Аммо Нозим Ҳикмат пьесасини ўқиб, у ана шу анъанавий мавзуда битилган асарларнинг ҳаммасидан кўра Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ига кўпроқ мос келишига амин бўлдик. Гап фақат асардагина эмас. Чунки пьеса русчага «Легенда о любви» деб таржима қилинганидан кейин «Бир севги афсонаси» деб атала бошлади. Аслида асар моҳиятан Навоий достонига яқин.

Адабиётшунос Г. А. Горбаткина «Нозим Ҳикматнинг афсона пьесалари» (М. 1967) китобида «Бир севги афсонаси» пьесаси илдизлари (генезиси) масаласини ўртага қўйди, муаллифнинг турк халқ оғзаки ижоди билан алоқаси кўпроқ қизиқтиргани сабабли Навоий ва Нозим Ҳикмат асарлариаро муносабат йўл-йўлакай қайд этилади, холос. Акпер Агариза ўғли Бобоевнинг «Нозим Ҳикмат» (М. 1957) китобида пьесанинг Низомий ва Навоий достонлари таъсирида битилгани айтилган.

«Фарҳод ва Ширин» билан «Бир севги афсонаси» ўртасидаги муштараклик фақат қаҳрамонларнинг танланишидагина эмас, Навоий Фарҳоднинг, шаҳзода бўлиб туриб Бонийдан меъморлик, Монийдан наққошлик санъатини олий даражада тез эгаллагани, унинг тошйўнарлик маҳоратини меҳр билан куйлаган. Нозим Ҳикмат Фарҳоди шаҳзода эмас-у, лекин уста наққош, тенги йўқ тошйўнар. Бу унинг асосий касби. Демак, Нозим Ҳикмат Фарҳоди — меҳнаткаш халқ вакили. Лекин бу икки қаҳрамонни бирлаштириб турадиган бир ип бор: бу — халқпарастлик, меҳнаткашнинг раҳмини ейиш. Тўғри Низомий Фарҳоди ҳам ҳунарманд, зўр муҳандис, мисли йўқ наққош. Лекин шоир талқинида меҳнаткашпарастлик йўналиши йўқ.

Низомийда воқеа бундай. Ширин қўнган водий шу қадар хушҳаво, шунчалар сўлим эдики, бу ерда кишининг сут ичгиси келаверар эди. Аммо, аксига олиб, ўша водий яйловларида мол боқишнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки заҳарли бир ўт пайдо бўлган. Мол уни еса, ўлади. Шунинг учун чўпонлар молларни Ширин ўрнашган водийдан анча узоқларга ҳайдаб кетганлар. У ердан сут ташиб келтириш эса жуда азоб. Низомий тили билан айтганда: «дарди сар», «яъни «бош оғриқ» бир иш. Шунда Ширин: қани энди бир тошдан ариқ бўлса-ю, ундан сутни оқизиб келтирсак дейди. Ойжамолнинг бу орзусини амалга ошириш учун Шопур Фарҳодни топиб келади. Фарҳод Ширин учун сут ариғи қазийди. Шу тариқа Фарҳодни севиб қолади...

Навоий достонидаги Фарҳод эса кўп минг кишилик халқни азоб-уқубатдан, машаққатли меҳнатдан озод этиш учун ҳунарини ишга солади. Аслида ариқ қазишни халққа, Шириннинг истагига кўра, Меҳибону буюрган эди. Лекин бундан хабарсиз «мазлуми ситамкаш», «аламкаш» бу элга Фарҳоднинг раҳми келади. Чунки бечора одамлар унга бутун кўнгилларини тўкиб солган, дарди ҳол қилган эдилар:

Эрур уч йилки жон тортиб ҳамиша,
Ушолмой қолмади метину теша.
Машаққатдин йигитни эл қадри дер,
Ки қозилмиш икки-уч юз қарич ер.
Бу янглиғ бирла умри Нуҳ топсоқ
Баданда кўпроқ олдин руҳ топсоқ.
Чу меҳнатнинг ҳаду поёни йўқтур,
Туганмаклик бу иш имкони йўқтур.
Гаҳи фарёду афғоне чекарбиз,
Гаҳ иш қилмоқ учун жоне чекарбиз...

Халқнинг бу оҳу фиғонига чидаб туролмаган Фарҳод ўз мақсади — Ширинни излашни ҳам бир четга йиғиштириб қўйиб:

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму нетгумдур охир!!

дейди-да, ишга жўнғиб кетади.

Ўхшашликни қаранги, Нозим Ҳикмат Фарҳоди ифлос сувдан ўлатга учраб, қирилиб кетаётган Арзин шаҳри аҳолисини қутқариш ва шу йўл билан Ширинга эришиш учун тоғдаги булоқ сувини шаҳарга оқизишга бел боғлайди. Ўн йил бетиним тер тўкиб, ярим йўлга етади. Шунда Ширин Меҳнбонунинг мазкур шартни бекор қилгани хабарини олиб келади. Лекин Фарҳод севгилиси Шириндан яна ўн йил кутишни сўрайди. Чунки халқни тоза сув билан таъминлаш Фарҳоднинг шахсий манфаатларидан устун туради. Бу — Навоий достонидаги энг зўр жиҳатнинг Нозим Ҳикмат тарафидан давом эттирилгани эмасми?

Навоийда Фарҳод учун қурилган тўрт қасрни бунёд этиш воқеалари ора ишбоши — корфармо образи тилга олинади:

Пайпай корфармодин ҳайҳай
Ҳайҳайдин қилиб эл иш пайпай.

Нозим Ҳикматга эса Устабоши (демак, корфармо) ёрқин образлардан бири сифатида гавдаланади.

Пьесада Фарҳод — наққош Беҳзоднинг ўғли. «Беҳзод» деб ном танланиши ҳам тасодифийми? Йўқ. Бу — Навоий бошида турган XV аср иккинчи ярми Ҳирот маданий муҳитининг йирик вакили, буюк рассом, «Шарқ Рафаэли» деб таърифланадиган Камолиддин Беҳзодга ошкор ишора-ку! Гўё бу билан Нозим Ҳикмат Навоийдан таъсирланганини яна бир бор зимдан таъкидлаётгандек.

Албатта, юқоридаги ва бошқа талай ўхшашликлар бўлишига қарамай Нозим Ҳикматда Фарҳод образи янгича талқин топган. Бироқ бу икки асар муаллифлари бадиий концепцияси моҳиятан бир-бирига яқин. Иккала асарда ҳам ёрга ишқ халққа муҳаббат ила уйғунлашиб кетган. Нозим Ҳикмат «Фарҳод ва Ширин»даги халқ манфаати йўлида ҳеч нарсани аямаслик йўналишини ўз асарининг марказига қўйган. Шу тариқа, Навоий «Фарҳод ва Ширин»идан фарқли ўлароқ, Нозим Ҳикмат пьесасида меҳнат мавзуи бош масалага айланади.

Умуман «Бир севги афсонаси» пьесасида анъанавий сюжетнинг ўзига хос тарзда давом эттирилишини Навоий достонига жавобия айтишнинг замонавий кўринишларидан бири сифатида қараш керак.

Нозим Ҳикматнинг мазкур пьесасини унинг жонажон дўсти — Ғафур Ғулом ўзбек тилига таржима қилган. Бу таржима 1955 йили босилиб чиққан эди. Ана шу таржима асосида Ҳамза номидаги академик театримиз асарни саҳнага қўйиб, томошабинларни хушнуд этган эди.

Тилак ЖЎРА,
Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзодлари.

Миллий мусиқамиз довруғи
ЮРАКНИ СЕЛ ҚИЛИБ

Тамбур навоси таралмоқда. Гоҳ сирли, гоҳ мунгли, дардли наво бу. Кўнгилларнинг қақраб ётган саҳроларига сувдай сингиб кетади. Навони эшитган ҳар қандай одам, бу халқнинг чолғуси бунча мукаммал, одамлари ундан ҳам соз бўлса ажабмас, деб ўйлаб қолса керак...

Ҳа, ўзбек миллий чолғулари меъморчилик, наққошлик, мисгарлик каби такрорланмас, буюк санъат намунасидир. Лекин биз бу бойлигимиз билан ҳар доим ҳам фахрлана олмаганмиз. Аксинча, уларни унута бошлаган эдик.

60-йиллар эди. Созанда Турғун Алиматов республика давлат радиоэшиттириш комитети бадиий кенгаши эътиборига «Дутор навоси»ни ҳавола этади. Аммо бадиий кенгаш аъзолари бу куйни ёзиб олишга лойиқ кўрмайдилар. У киши кейинги йили ҳам яна шу куйни радиога олиб келди. Яна қабул қилмадилар. Кейин яна, яна... Шу тариқа 20 йил ўтди. Турғун ака чекинмади, миллий куйларни радио фондига ёзиб олинишини қатъият билан талаб қилди. Акс ҳолда баъзи халқ куйлари унутилиб кетиши мумкин эди.

Турғун ака чалган куйлардан қадим чўлларнинг нафаси келиб тургандай. Юрак торларини чертган бу наволар қалбларимизни мозий билан боғловчи кўприк мисолидир. Шунинг учун ҳам кимларнингдир қулоғига ёқмаслиги, кимларнингдир юрагига ғулғула солиши табиий...

Ниҳоят, 1980 йили ишлар ижобий томонга ўзгарди. Ўтган вақт мобайнида созанда ижросидаги ўттиздан ортиқ куй ёзиб олинди. Бу ёзувлар радио фонотекасининг олтин фондидан жой эгаллади. «Сато навоси», «Танбур навоси», «Нола», «Чўли ироқ», «Насруллои», «Омонёр» каби куйлар шулар жумласидан. Уларда халқимизнинг юрагидан чиққан нолалар бор. Шунинг учун ҳам Афғонистон, Туркия, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатларда яшаётган ўзбеклар она ватан тупроғига келганларида миллат руҳи сингиб кетган танбур ва дутор наволари ёзилган лаппакларни энг табаррук совға сифатида сотиб оладилар.

«Мелодия» фирмаси Турғун Алиматов ижросидаги куйлардан еттита пластинка чиқарган эди. Улардан бири Москвада инглизча ёзилиб, тарқатилган. Ҳар бири 40—50 дақиқалик бу ёзувлар кўплаб нусхада бўлишига қарамай тезда сотилиб кетди. Ўзбекистон радиосининг чет эллар учун бериладиган «Ватандош» эшиттиришлар муҳарририятига хорижлик тингловчилар Т. Алиматов ижросидаги куйлардан эшиттиришни илтимос қилиб мактублар йўллашади. Шунинг учун ҳам бу ерда тингловчилар билан радио орқали мулоқатлар тез-тез бўлиб туради. Булар ҳаммаси созанда чалган куйлар дунё санъатсеварларининг эътиборини қозонганидан далолат беради.

Яқинда Америка мусиқа жамоатчилигининг вакиллари Тошкентга келишиб, Турғун аканинг ижодини ўргандилар ва Қўшма Штатларда концертлар беришга таклиф қилдилар. Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедраси мудири, профессор Отаназар Матёқубов америкалик ҳамкасбларига хамроҳ бўлган эди. Унинг таъкидлашича, Пристон университетининг профессори, мусиқашунос Теодор Левин Турғун акани замонамизнинг неоклассиклари, яъни янги классиклари қаторига қўшди. Олимнинг Т. Алиматов ҳақидаги мақолаларидан Америка илмий жамоатчилиги кенг фойдаланмоқда. Шунингдек, у «Замонамиз неоклассиклари» туркумида ўзбек созандасининг пластинкасини ҳам ёздирмоқчи.

Колумбия университетининг профессори Волтер Фелдман — туркий халқлар мусиқасининг билимдони. Уни Осиё мамлакатларида яхши билишади ва ҳурмат қилишади. У Турғун акани турк созандаларининг улкан вакили деб ҳисоблайди. Биата Гордон эса Нью-Йорк шаҳридаги «Осиё» жамиятининг маданий дастурлар бўйича директоридир. Турғун Алиматовнинг Нью-Йоркда бўладиган концертларини шу айл ташкил қилмоқда.

Америка мусиқий жамоатчилигининг бу вакиллари бир неча бор Тошкентга келиб, созанда билан мулоқотда бўлдилар. Бир гал 12 соатлик суҳбатдан 100 минутлик мусиқа ёзиб кетган эдилар. Бу ёзув Нью-Йоркда юқори баҳоланди ва лаппакларда кўпайтириш учун Франция фирмаси билан шартнома тузилди. Ўзбек мусиқасига бўлган бу қадар катта эътибор учун биз америкалик мусиқашунослардан, қолаверса, миллий куйларни қиёмига етказиб чалаётган ва тарғиб қилаётган Турғун Алиматовдан миннатдормиз.

Шарқ мусиқаси, хусусан ўзбек миллий мусиқасининг ғарб мусиқасидан асосий фарқи шуки, унда созанда куйларни эшитиш қобилияти орқали ўрганади. Уни ижро этаётганида эса ўз қалбининг наволарига эрк беради. Агар созанданинг юрагида ёниб турган ўт бўлмаса, у чалган куй тингловчи қалбини тўлқинлантира олмайди. Ўзбек мусиқасига муҳаббат ҳам Турғун ака юрагида гоҳо дардга айланиб кетади. 1940 йилда Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрида ишлаган пайтидаям, уруш даврида фронтда жанг қилганидаям, ярадор бўлиб қайтгач Қашқадарёдаги Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли театрда мусиқа раҳбари бўлиб ишлаганидаям, Муқимий номли театрда меҳнат қилган йилларидаям бу дард созанда қалбини бир сония бўлса-да тарк этмади. У киши 1948 йилда республика радиокомитетида Юнус Ражабий бошчилигидаги мақомчилар ансамблида иш бошлаб, 1985 йилгача танбур, сато, дутор ва скрипкада куйлар ижро этди. «Эй сабо», «Роҳат», «Билагузук» каби куйларни бир неча созларни ўзи чалган ҳолда ёздиришга эришди (ҳозирги ёзув техникаси бунга имкон беради).

Ўзбекистон телевидениеси бир неча йиллар давомида навоийхонликка бағишланган кўрсатувларда Т. Алиматов ижро этган куйлардан кенг фойдаланиб келмоқда. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарига ишланган видеофильмда, «Алишер Навоий» бадиий фильмида ва бошқа кино асарларида созанда куйлар ижро этган. Машҳур «Шошмақом» фильмининг мусиқаси бошдан-оёқ Турғун Алиматов ижросидаги куйлардан иборат.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда Турғун Алиматов Тошкент давлат консерваториясида ёшларга миллий мусиқадан сабоқ бермоқда. Умрининг 50 йилини санъатга бахшида қилган устоз ҳадемай 70 ёшга тўлади. Севимли санъаткор тинимсиз ижод этмоқда. Миллий мусиқамизга бўлган муҳаббат Турғун Алиматовни бир лаҳза бўлса ҳам ёнишдан тўхтаб қолишга қўймайди...

Иброҳим ЖИЯНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«СОКИН ХУРОСОН»— РУС ТИЛИДА

Таниқли ўзбек шоири Барот Бойқобилов узоқ йиллардан буён улуғ бобокалонимиз — Алишер Навоий олами, унинг буюк мероси хазиналарини чуқур ўрганиш билан шуғулланмоқда. Натижада «Навоийнома»нинг «Нотинч Хуросон», «Шуқуҳли карвон», «Сокин Хуросон» сингари шеърий романлари дунёга келди.

Яқинда Москвадаги «Советский писатель» нашриёти Б. Бойқобилов «Навоийнома»сининг учинчи китоби — «Сокин Хуросон» шеърий романини «Звезда Хорасана» номи билан босмадан чиқарди. Алишер Навоий яшаб, ижод қилган вақт Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида мураккаб давр ҳисобланади. Барот Бойқобилов «Сокин Хуросон»да ўша замоннинг зиддиятли муҳитини, Алишер Навоий шахсининг бутун мураккабликларини чуқур тасвирлайди, ички оламини, ўзбек, адабий тили асосчисининг буюк ижодий жасоратини катта маҳорат билан ифода этади. Китобда Навоий кўз ўнгимизда нафақат буюк шоир, балки улуғ мутафаккир, Темур ҳукмронлиги инқирози даврининг улуғ арбоби сифатида намоён бўлади.

Шеърий романни таниқли шоир таржимон, «Нотинч Хуросон», «Шуқуҳли карвон» асарларини ўзбек тилидан рус тилига ўгирган Гарольд Регистан таржима қилган. Китобни мусаввир Юлия Крапова безаган.

БУГУН: «Народное СЛОВО» саҳифаларида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясига бағишланган материаллар ва сессия қачон очилиши ҳақидаги билдириш, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори билан Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультети асосида ҳуқуқшунослик институти ташкил қилинганди. Шу институт келажаги, унинг олдида турган муаммолари ҳақида институт ректори вазифасини бажарувчи М. Муҳамедов билан суҳбат, газета мухбири А. Ковалёвнинг Янгиердан ёзган танқидий мақоласини ўқишингиз мумкин.

«Тарих саҳифалари» рукни остида партия ва комсомол фахрийси А. Авуртиннинг эсдаликлари, спортга бағишланган мажмуа, маданият янгиликлари ва турли мавзулардаги хабарлар газета саҳифаларидан ўрин олган.

Жигаристонга эш бўлдингми, жигарбандимиз!

Фаррух РАҲИМ руҳига марсия

Ажал кўланкаси айёсиз панжаларини ёйганча унинг азиз боши узра ногаҳонда пайдо бўлди. Момоқалдироқ гумбурлади, чақмоқнинг кўзни қамаштирувчи ўткир қиличи кутилмаганда яраклаб, меваси ҳил-ҳил пишиб турган серҳосил дарахт танасини раҳмсизларча шарт кесиб, томири билан қулатди. Қўлига қалам тутганидан буён улуғлаб келгани — она замин уни ёруғ дунёнинг иссиқ қучоғидан зим-зиё ва совуқ бағрига олди. Тобути тонг ёришар-ёришмас ердан кўтарилиб элкамизга етганида булутли кўкдан саноқли томчилар тушди — табиат ўз фарзандини кўз ёшлари ила сўнгги йўлга кузатди.

Фаррух фанога кетди. У йўқ. Кулчадек юзини, кулимсировчи кўзларини, табассум учун яралган лабларини, қирмизи олмадек яноқларини, найчадек қошларини, ўнгга силлиқ таралган тимқора сочларини кўролмаймиз; мулойим, босиқ, сержило овозини, тошбосар, маънили, мулоҳазали фикрларини эшитолмаймиз; «Халқ сўзи» яраладиган ижодхона зиналарига унинг қадами тегмайди энди. Бўлимлар эшиги очилганда келишган қадду қомат, оймисол чеҳра, маъсум боқишларга термулиш насиб этмайди бизга.

...Январнинг охирида ўттиз бешга кирганди. Фақирона дастурхон устида, отаю она, болаю чақа, дўсту қадрдон даврасида, ширин-шакар гурунг асносида бир тутамгина умрнинг сардафтарини варақлаган ва нигоҳи олдидан ўтказгандир балки: Тошкент матбаачилик корхонасида муқовасоз, қурилишда ишчи, «Ленин учқуни»да палапон, ватан ҳимояси, дорилфунунда таҳсил, «Тошкент оқшоми», «Ёш ленинчи»да истеъдод қирраларининг қайралиши... Висол соғинчию тўй оқшоми, кўчкорчалардек уч ўғлон қувончию иморат солиш машаққатлари.... Орзулару армонлар, яхшилару ёмонлар, ростлару ёлғонлар, битиклару кемтиклар, камлару кўстлар, шодликлару қайғулар, кулгилару йиғилар, мардлару номардлар, хуллас — ярим ҳазил, ярим чин турмуш...

Фаррух Сами ўғли Раҳим «Халқ сўзи»да бор-йўғи икки ой ишлади. Ёшлар нашрида бош муҳаррир ўринбосари лавозимидан кечиб, катта йўлга чиқиш, борлиқни борлиғича кўриш ниятида навқирон бу даргоҳга илҳоми тўлиб-тошиб келганди. Унинг боши осмонда, бизнинг кўксимиз тоғдек эди. «Эл орасида, қайноқ қозон ичида бўлайин» деди, монеълик сезмади. Тошкент вилояти махсус мухбири гувоҳномаси билан шаҳру қишлоқлар оралаб йўл юрди, мўл юрмаса ҳам хўб юрди, алғов-далғовларни, ҳақ-ноҳақни кўрди, бисёр кўрмаса ҳам ҳушёр кўрди. Ён дафтарлари ёзувларга тўлди. Уларни саралаб-саралаб, тафаккур ҳалложисидан, юрак тегирмонидан ўтказиб ёзди. Оз ёзди, лекин соз ёзди. Жўшиб-тошиб, куйиб-пишиб, ёниб-туташ ёзди. Ёзганлари одамлар дилини илитди, эритди, равшан этди. «Деҳқонга ким қайишади» (30 апрель) журналист ва фуқаронинг ноласи мисол акси садо берди.

Гумон имондан айирар дейдилар, лекин Жигаристон устига ёпирилган даҳшатли офат ва у билан боғлиқ юрт дарди Фаррухнинг нозик юрагига дарз етказди, дейиш мумкин. У «Халқ сўзи»нинг ана шу бадбахт маскандаги мухбирлар қўналғасини ётоқ айлаб, нотавон одамлар оҳу андуҳини чекиб аза тутди. Рўзноманинг саккизинчи, ўн биринчи, ўн бешинчи, йигирманчи, йигирма иккинчи, йигирма тўққизинчи май сонларини варақласангиз, Фаррухнинг овозини эшитгандай, бағир қони изларини кўргандай бўласиз: «Тош тушган жойинигина эзмайди», «Комиссия мажлиси», «Масъулиятни ҳис этамиз», «Октябрда эмас, августда», «Чарчашга вақт йўқ», «Ош бўлсин!» ва бошқалар. Бир мухбир қайғуси, ҳамдардлиги, ҳамияти шунчалар бўлар! Жигаристоннинг қора тарихига фаришта сиймосида ёзилиш ҳуқуқи шундай шерларга берилар! Қайта тикланадиган Жигаристон кўчаларидан бири шу тоифадаги ўғлонлар номига қўйилар!

Фаррух Раҳимнинг «Жигаристон: офат бир ойга қариди» рукни остидаги «Фожиалар қайдан келади?» (4 июнь) ва «Одамийлик ўлмасин» (6 июнь) мақолалари ижтимоий-сиёсий ва бадиий журналистиканинг нишонга аниқ теккан ўқларидир. Уларнинг биринчисида Фаррух офатнинг пинҳон қолаётган бош касофати — кўмири қазиб олина-олина бағри илма-тешик ер ости фарёди эканлигини жасорат ила илк бор баралла айтди.

...Орадан бир кун ўтди. 7 июнда идорага келиб, урвоққа ҳам арзимас маошни олиб, касбдошларини кўриб, тўсатдан деди: «Жигаристонга кийган мотам либосини 1992 йилнинг тўртинчи майи оқшомида аза очди қилиб ечаман».

...Орадан бир кун ўтди. 8 июнда Фаррух Жигаристонга эш бўлиб, дунёдан абадий бош олиб, жигаристонликлар сингари қора тупроқ остига кетди. Очиғини айтайлик: у табобатимиз тушкунлиги, қашшоқлиги, нотавонлиги, чала табиблар жаҳолатию бағритошлиги чангалида жабрдан шаҳид бўлди — аниқ дарди қолиб, шубҳалисини «даволаш» оқибатида ўлим домига чўкди.

Қалбда оғир жудолик алами, йўқотиш дарди, мусибат юки. Фалак гардишининг бундай дақиқаларида исми жисмига монанд — гўзаллик, меҳрибонлик, кўркамлик рамзи — Фаррухимиз хотирасини мўътабар сақлаб, эгасиз қолган қаламини қўлга олиб, фақат яхшиликни, эзгуликни қўмсаб, гўдакларини паноҳимиз, аҳли оиласини қанотимиз остига олиб, одамлар орасидаги бидъат алафларини юлиб ташлашга аҳд этиб, Фаррух Раҳимдек пок яшаб, пок ишлаб, пок из қолдиришга бел боғлаймиз.

Анвар ЖУРАБОЕВ, Лутфулла КАБИРОВ, Лариса ЛЕВИТАС, Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Аҳмаджон МУХТОРОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Турғун НАЗАРОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ, Алла ОРТИҚОВА, Лев ПАК, Озод САИДОВ, Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Акрам ТОШКЕНБОЕВ, Александр ТЮРИКОВ, Норбобо ШАКАРОВ.

Қалам қуламай битилган сатрлар
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН ЭШИТИНГ

ОМБОР ТЎЛМОҚДА

ТОШКЕНТ вилояти пиллачилари шу кунгача 400 тоннадан зиёд саноат хом ашёси етказиб беришди. Омборларни тўлдиришда Янгийўл, Бекобод, Оққўрғон, Ғалаба, Орджоникидзе районлари меҳнаткашлари бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Давлатга пилла сотиш давом этаяпти.

ЁШЛАР БАҲСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ бешинчи сессияси муҳокамасига «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Бунинг сабаби ҳар бир кишига тушунарли: кейинги йилларда кўча ва йўлларда юз бераётган автоҳалокатларда набуд бўлаётганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Шу боис ҳам ангренликларнинг ушбу муаммони ижобий ҳал этишга масъулият билан ёндашаётганликлари таҳсинга лойиқдир. Яқинда шаҳарда ёш автоинспекторлар мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда 11-мактаб биринчи, 20 ва 34-мактаблар иккинчи, 33 ва 17-мактабларнинг толиблари учинчи ўринни эгаллашди. Энг муҳими, ёшлар йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўз билимларини янада мустаҳкамлашди.

РАСТАЛАРДА ТОННА-ТОННА СОВУНЛАР

Ҳозир ҳамма жойда саноат, жумладан кимё корхоналари ишлаб чиқаришни қисқартиришаётгани тўғрисида гап юрибди: хом ашё йўқ, иқтисодий алоқалар узилган. Олмалиқда эса бу нохуш ҳолатнинг аксини кўрасиз. Кимёгарлар фонддан ташқари хом ашё олганликлари туфайли «Лола», «Пахта», «Олга», «Витисан», «Лимончини» деб аталувчи ва кир ювишда ишлатилувчи янги совун турларини савдо расталарига чиқаришди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида олмалиқликларга 50 тонна маҳсулот сотилди.

Фаррух РАҲИМ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 23.50.
Индекс: 64808. 5587-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12